

АБДУСАИД КУЧИМОВ

ҚИЁФА

Шеър, дoston ва эртақлар

ТОШКЕНТ
ЧУЛПОН НАШРИЁТИ

Кўчимов, Абдусайд.

Қиёфа, Шеър, дoston ва эртақлар: (Шеър, дoston, ва эртақлар) — Т.: Чўлпон, 1996.—120 б.

Бу ёруғ дунёдаги барча мавжудотлар ўз қиёфасига эга.

Абдусайд Кўчимовнинг мазкур тўпламига жамланган шеър ва дostonларида шоир инсон руҳий олами манзараларини бадий таҳлил этишга интилади. Уларда руҳият иқлимларининг мураккаб қирралари рангин буюқларда тасвирланади. Муҳаббатга муҳаббат, садоқатга садоқат, дўстликка дўстлик беназир бахт экани самимий ифодаланса, хиёнат, мунофиқлик, ҳасадгўйлик каби иллатлар нафрат билан қораланади.

Тўпланда Амриқо, Хитой мамлакатларига сафарлар жараёнида ёзилган шеърлар ҳам борки, улар шунчаки сафар таассуротлари бўлмай, балки олислардаги ватандошларимизнинг ғалвали тақдирлари, уларнинг қувонч ва изтиробларга тўла қалб қиёфаларининг ўзига хос мураккаб чизгиларига айланган.

Ватан олдидаги бурч ва масъулият, эзгу инсоний туйғулар нафис рангларда чизилган бу асарлар сизни ҳам бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Ўз2

4803620202—9
К $\frac{360}{360}$ (04)—96 Қўш. 96

© Абдусайд Кўчимов, 1996 й.

ISBN 5-8250-0487-4

I. ТУРКИСТОНИМ ЯЙРА, ТУРОНИМ ЯЙРА!

ИСТИҚЛОЛ ҚУШИҒИ

Юз йиллик маломат ёмғири тинди,
Қафаслар бузилди, калтаклар синди,
Гулим — гулзоримга бахт қуши қўнди,
Эй дилим, истиқлол нурида яйра,
Туркистоним яйра!
Туроним яйра!

Не бахтки, бек бўлдинг ўзингга ўзинг,
Ўзингники бўлди ҳар бўтақўзинг.
Айтганинг айтгандир, сўзингдир сўзинг,
Эй дилим, истиқлол нурида яйда,
Туркистоним яйра!
Туроним яйра!

Кўзингдан оқизмай бир томчи ёшинг,
Кишанларни узди шердил юртбошинг.
Истиқбол уфқида балқди қуёшинг,
Эй дилим, истиқлол нурида яйра,
Туркистоним яйра!
Туроним яйра!

Энди фанимларинг ғамга ботурлар,
Тулкидек панада пусиб ётурлар.
Отланинг, Алпомиш, Авазботирлар!
Эй дилим, истиқлол нурида яйра,
Туркистоним яйра!
Туроним яйра!

Садоқатинг кўрсат ота маконга,
Ота маконингни кўрсат жаҳонга.
Жаҳон қучоқ очди Ўзбекистонга,
Эй дилим, истиқлол нурида яйра,
Туркистоним яйра!
Туроним яйра!

УЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИ

Озод мамлакатимнинг муҳташам қўрғонида,
Исёнкор боболарим пок руҳида-жонида,
Турон, қадим Туркистон, улуғ турк осмонида,
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи —
Ўзбекистон байроғи,
Ўзбекистон байроғи!

У адолат, қонот, обиҳаёт тимсоли,
У эзгулик, шон-шухрат, бахт-саодат тимсоли,
Буюк Амир Темурнинг ғолиб туғи мисоли,
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи —
Ўзбекистон байроғи,
Ўзбекистон байроғи!

Тинчлик, тириклик эрур мовий, яшил, оқ ранглар,
Чақноқ ўн икки юлдуз шамолларда жаранглар,
Эрк қўшиғи навқирон ярим ойда жилвагар,
Камалакдек товланар истиқлолим маёғи —
Ўзбекистон байроғи,
Ўзбекистон байроғи!

Бундай ялов қайда бор, бундай ялов бизга ёр,
Уни сарбаланд тутсак бизники нурли иқбол,
Она халқим бахтини жаҳонга қилиб ошкор,
Камалакдек товланар истиқболим маёғи —
Ўзбекистон байроғи,
Ўзбекистон байроғи!

ВАТАН ЯГОНАДИР

Пайдо бўлибдики бу кўҳна дунё
Замину фалакда янграр бир нидо.
Олам тусланар,
У турланмас асло:
— Ватан ягонадир!
— Ватан ягона!

У сенинг мужгонинг, қароғинг, кўзинг,
Орзую армонинг, у — айтар сўзинг.
Имонинг, виждонинг, у — сенинг ўзинг.
Бобонг у, момонг у, у — мунис она,
Ватан ягонадир!
Ватан ягона!

Ёнарми пилиги чириган чироқ?
Яшнарни бандидан узилган япроқ?
Фақат киндик қони тўкилган тупроқ —
Инсонга муҳташам қўрғон — кошона —
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!

Қимки кўп ватанни қилибди даъво,
Имон, эътиқоддан бўлибди жудо.
Унинг ватани йўқ!
У — ватангадо!
Ватангадоларга ватан бегона,
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!

Қўш кемани тутган хор бўлар бир кун,
Бир қатра меҳрга зор бўлар бир кун,
Алангага қўнган қор бўлар бир кун,
Ватаним, жонингга жоним қурбон-а! —
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!

Ягона юрт дея олурмиз нафас,
Шу юртга фидодир бор орзу-ҳавас,
Юртим!
Қайси ғаним сенга қилса қасд,
Унга мозор бўлмай ҳар бир остона,
Ватан ягонадир,
Ватан ягона!

И Л Т И Ж О

I

Дилга ғулу солар на ёмғир, на қор,
Бўрон, довулларга дош бергум, аммо —
Тухмат балосига қилма гирифтор,
Тухмат балосидан асра, Танғрим-о!

На шайтон, на иблис, на қилич, на дор,
Дўзах азобидан кўрқмасман, аммо —
Тухмат балосига қилма гирифтор,
Тухмат балосидан асра, Танграм-о!

Энг ёвуз, бешафқат, баттолу қаттол
Ўт-сув балосига чидарман ҳатто!
Тухмат балосига қилма гирифтор,
Тухмат балосидан асра, Танграм-о!

II

Қарбало даштида ожиз, нотавон,
Оловқум оламни куйдирган онда,
Қим ширин жонини айламас эҳсон
Бир ҳовуч сув тутган сахий инсонга.

Сирот кўпригида беҳол, бенажот
Турганда қўл чўзса бир меҳрибон зот,—
Бу азиз қўлларни кўзга суртмас ким,
Қим уни ардоқлаб ўтмас умрбод!

Чин дилдан,
Самимий бўлмаса агар
Менга даркор эмас бу ҳиммат, илло —
Миннат балосига қилма гирифтор,
Миннат балосидан асра, Танграм-о!

III

Митти ирмоқлардан туғилгай дарё,
Дарёлар қўшилгач, денгизлар бунёд.
Асл зарралардан иборат дунё,
Заррадан тузилган асли бу ҳаёт.

Қитмир гаплар бордир оламда лекин,
Ғийбат деб атарлар унинг отини.
Унга қўйиб берса дунёдан секин
Қуритиб юборар инсон зотини.

Маъли, мақтовларга қилма гирифтор,
Таъна, дашномларда қийнагил, аммо —
Ғийбат балосига қилмагин дучор,
Ғийбат балосидан асра, Танграм-о!

IV

Ҳаётда ҳар кимнинг суянчи бордир:
Отадир, онадир, дўстдир бу таянч.
Отаю онани хор қилган — хордир,
Дўсти йўқ кимсанинг қисмати аянч.

Дўстингга тош отса ғараздил каслар,
Вужудинг ўртанар ўтлуғ ғазабдан.
Ичи қора чиқса жондўстинг агар,
Азоб йўқ бунчалар дардли азобдан.

Майли, дўст, меҳрга ўтай бўлиб зор,
Ғанимлар қаҳрида қоврилай, аммо
Риёкор ўртоққа қилма гирифтор,
Риёкор ўртоқдан асра, Танграм-о!

V

Ҳйдим-чуқур бўлсин майли, йўлларим,
Етмаса етмасин кўкка қўлларим.
Саратон селида қуриб, қовжираб,
Сомондай соврилсин оппоқ гулларим.

Товоним тошларда ёрилиб кетсин,
Тиконлар қонимга қорилиб кетсин.
Ярим қултум сувга ташна лабларим,
Ярим қултум сувга зор ўлиб кетсин.

Фақат ҳеч бандангни кимларгадир хор,
Кимгадир зор қилиб қўймагил, илло —
Қуллик балосига қилма гирифтор,
Қуллик балосидан асра, Танграм-о!

VI

Пайдо бўлибдики бу дайри фано
Борлиқни ўртайди мудҳиш бир шўриш.
Одамзот заминга сиғмагандек, о! —
Тўхтамас адоват,
Тўхтамас уруш.

Жаҳонни қақшатган фотиҳлардан то —
Жулдур гадогача ўтди сарсари.
Устун бўлолдими ҳеч бири, аммо
Тобутларда очиқ кетди қўллари.

Бор давру даввора уволдир, увол
Бир томчи кўз ёши олдида, илло —
Уруш балосига қилма гирифтор,
Уруш балосидан асра, Танғрим-о!

VII

Гузарталошликлар,
Хонталошликлар
Неча бор сўлдирди Туронимизни.
«Сен — қипчоқ». «Сен — ўғиз» —
Қонталошликлар
Ўлдирди имону имконимизни.

Шукрим, таланган,
Топталган Ватан
Туғу туғросини, бахтини топди.
Унга қучоқ очди жумлаи жаҳон,
У жаҳон ичра ўз тахтини топди.
Энди Ватан битта,
Битта истиқбол,
Энди «...лик», ...«лик» деган хоиндир, илло —
Хойн, ғаддорларнинг тилларига — дор,
Гузарталошлардан асра, Танғрим-о!

VIII

Майли, бир кун очу бир кун тўқ бўлай.
Бир куни кул бўлсам, бир кун чўғ бўлай.
Бир куни очофат, очкўз ғанимнинг
Кўкрагини тешган чақмоқ ўқ бўлай.

Майлига, донғилу донгдор бўлмай-о!
Басавлат, баҳайбат чинор бўлмай-о,
Бир япроқ, бир ниҳол, битта оддий жон,
Битта оддийгина гиёҳдек гоҳо —
Яйраин, яшнаин эсганда шамол,
Не бўлсам, юртимда бўлайин, илло —
Ватангадоликка қилма гирифтор,
Ватангадоликдан асра, Танғрим-о!

IX

Танғрим, қабул айла илтижоимни,
Инсоф, эътиқод бер ҳар бир бандангга.
Гулларга буркагин борган жойини,
Қудрат ато этгин она Ватанга.

Тинчу тугал бўлсин замину замон,
Қирларни яшнатсин турфа чечаклар.
Гўдаклар қалбида уйғотсин имон
Момолар сўйлаган сирли эртақлар.

Элим деб, юртим деб яшаш бахтини
Насиб эт ўзбегим — жонажонимга.
Мангу эҳсон айла иқбол тахтини
Ўзбекистонимга — онажонимга.

Ҳар тонг бошимизга сочиб зар-зиё
Она юртимизни қўлла, Танграм-о!

МЕҲРИНГ БИЛАН ЯШАЙМИЗ, ВАТАНИ

Ёвлар йўлимизга ғовлар солганда,
Чечаклар бўронда титраб толганда,
Ботирлар қиличин қўлга олганда,
Сенинг меҳринг билан яшадик, Ватан!

Ёғийлар устидан кулганда Широқ,
Алишер қалбида ёнганди чироқ,
Қийнаб ўртаганда Бобурни фироқ
Сенинг меҳринг билан яшадик, Ватан!

Боқийдир ўтса ҳам йиллар, асрлар,
Амир Темур қурган нилий қасрлар,
Нурга талпинганда Усмон Носирлар,
Сенинг меҳринг билан яшадик, Ватан!

Ёвқур баҳодирлар, девкор ўғлонлар,
Кўксини кўксинга қилиб қалқонлар,
Беомон жангларда тўкканда қонлар,
Сенинг меҳринг билан яшадик, Ватан!

Роса юз ўттиз йил кишанланди дил,
Кишанланди оёқ, кишанланди тил,
Эрк деб ҳайқирганда Туркистондай эл,
Сенинг меҳринг билан яшадик, Ватан!

Бугун юракларда буюк истиқлол,
Бугун бизникидир бахту истиқбол,
То дунё тургунча бўлиб пойдор
Сенинг меҳринг билан яшаймиз, Ватан!

Беҳаё кўзларга бигизлар санчиб,
Бевафо сўзларни сомондай янчиб,
Бор давру даврондан, бор жондан кечиб.
Сенинг меҳринг билан яшаймиз, Ватан!

Сен ҳали беқиёс бўстон бўлгайсан,
Булбуллар базмида дoston бўлгайсан,
Жаҳонда энг юксак қўрғон бўлгайсан,
Ўзбекистон, мангу яшнаб кулгайсан —
Сенинг меҳринг билан яшаймиз, Ватан!

ЮРТ ДЕЯ ЕНГИН, ДИЛИМ!

Хом сут эмган банда бордир —
Қайдадир қилгай хато.
Қайда унга толе ёрдир,
Қайда толедин жудо.

Қайдадир бошда маломат,
Қайда иззат-илтифот.
Қайдадир аччиқ аросат —
Ул жон аросатдин адо.

Қайда бордир молу давлат,
Қайдадир ёр — бевафо.
Қайдадир ифво-адоват
Қайдадир жабру жафо.

Майли қул, майли гадо бўл,
Тожу тахтдин бўл жудо.
Она юртни сотма, эй дил!
Бўлмагил юзи қаро.

Қим хиёнат қилди элга —
Умри бўлди мосуво.
Урди нон-туз, урди қарғиш,
Охири урди худо.

Эй кўнгил, бўлма басир,
Қилмагил бундай хато.
Юрт учун ён аввал-охир,
Жонни эт унга фидо!

У Р Г У Т И М

Мовий самога туташ қояю тоғларингга,
Қўзларни қамаштирган мевазор, боғларингга,
Турнакўз булоқларинг, тошқин ирмоқларингга
Қурбон бўлсин бу жоним — жондан азиз маконим,—
Ота юртим — Ургутим!
Бобо юртим — Ургутим!

Бу курраи заминда заррадирсан, эҳтимол,
Заррада қуёш — сенда Ўзбекистон акси бор.
Самарқанддек сулувнинг ёноғида нуқра хол,
Бу холга қуёш хумор, ой хумор, юлдуз хумор,
Ота юртим — Ургутим!
Бобо юртим — Ургутим!

Қизғалдоқзор қирми бу — Мирзо Бобур изими?
Бўзтўрғайлар навоси Ҳумулийнинг сўзими?
Шакармиди, болмиди Қулқишлоқнинг узуми?
Анов оху оҳуми ё Сойғуснинг қизими —
Ота юртим — Ургутим!
Бобо юртим — Ургутим!

Кимки сенга қасд қилса, чақмоқ урсин — хор бўлсин!
Ниҳолларинг ҳар бири азим Чорчинор бўлсин!
Қулдортепа, Булбулсой, Бургутқоянг бор бўлсин!
Фарзандларинг қалбига Темур руҳи ёр бўлсин!—
Ота юртим — Ургутим!
Бобо юртим — Ургутим!

ШУКУР ЧОЛ ҚИССАСИ

Уни ҳамқишлоқлар қўйди қабрга,
Жудолик ҳажридан ўртанди бағир.
Шунда қишлоқдаги одат бўйича:
— Марҳум қандай эди?— сўради кимдир.
— Яхши одам эди,— деди баъзилар.
Қўплар эса бошин қуйи солдилар.
Очиғи, одамлар марҳум ҳақида
Нима дейишни ҳам билмай қолдилар.
Зотан, у ким эди? Чол эди мўмин,
Озор бермаганди бирон кишига.
Узи ранжигандир, аммо ранжитмоқ
Ҳатто кирмаганди чолнинг тушига.

Етим бўлган экан.
Сочибди ёғду
Бир кун бахт унинг ҳам ғамхонасига.
Кейин осойишта ўтибди умри,
Неки бўлса кўриб пешонасида.
«Шукур чол», дердилар қишлоқда уни,
Бошқача бўлса ҳам аслида номи.
Чунки ҳамма ишга «шукур» дерди у.
Саждага ўхшарди ҳатто саломи.
Тўйларда чой дамлаб, самовар қўймоқ,
Ҳамиша суюкли иш эди чолга.
Гоҳо бор-йўқлигин сезмасди биров,
Кўникиб кетганди ҳамма у ҳолга.
Баъзан тинчимагур болалар уни
Калака қилишиб оларди ҳордиқ.
Чол эса шунда ҳам беозор кулиб,
Бир сўз тополмасди «шукур»дан ортиқ.
«Шукур» айтарди-ю, лекин шу дамда,
Шошилиб кўксига туфлаб қўярди.
Ҳар хил фикр бор-да ҳар бир одамда,
Шукур чол сукутни суярди.
Шамоллар шовқини кучайса ногоҳ,
Дерди: «Паноҳингда асра, худойим».
Бобо ҳар нарсага чекмасди оҳ-воҳ,
Шарпадек яшарди бесас, мулойим.
Бироқ у билмади недир завқ, илҳом,
Недир, ҳув, қуёшга уланган орзу.
Чоллар айтишича, сўнгги дамда ҳам
Сўнгсиз бир «ух» ила «шукур...», дебди у.

ҲИКОЯТ

Тобутдай тор,
Зим-зиё хона.
Соқов,
Совуқ,
Ис босган девор.
Тошдай тўшак.
Неча кундирки,
Ажалини кутиб ётар чол.
Сичқон каби кемиради у
Суви қочган кесакдай нонни.
Титраб, қақшаб симиради у
Тошкосада аччиқ айронни.

Оёқ-қўли титраб зор, ночор,
Қарғар барча таниш-ётини.
Сўнг ингранар:
— Олар, бўлса гар,
Олмайдим омонатини.

Бўёқлари ўчган дарича
Қатта йўлга термулар ҳайрон.
Неча кунки, бу остонага
Қадам босмас бирон тирик жон.

Ё алҳазар!
Бугун эшикни
Қимдир қоқди,
Йўталди биров.
Чолнинг тили айланмай қолди,
Муз танига югурди олов.
— Қимса-ан?
— Тезроқ эшикни очгин!
Мен — бойликман —
Қудрати якто.
Етти қават осмон остида,
Мендан улуғ топилмас асло.
Умр бўйи мени қўмсовдинг
Мана, ўзим келдим қошингга.
Чол аламли ингради:
— Э-воҳ!
Ураманми энди бошимга!
— Тангрим!
Қўрсат кароматингни.
Олақолгин омонатингни.

Узун тунлар бошланди яна
Алоқ-чалоқ тушлар,
шайтонлар.

Бугун оқшом унинг тушига
Кириб чиқди қора илонлар.
Эртасига...

Ё раб!

Эшикни

Тақиллатди яна аллаким.

Чол суюнди: «Оҳим, фиғоним

Қулоғингга етибди, тангрим...»

— Қимса-ан?

— Бобой, қартайганингда

Кал бошингга бахт қуши қўнди.
Мен — шухратман!
Етти иқлимда
Сендан номдор топилмас энди!
Чол мурдадай оқарди. Гўё
Йўқотганди ақлини, эсни.
— Эндими? Ҳе!..
Қутурган итга
Ташлаш керак сендай иблисни!
Тош косани зўрға олди-ю,
Қулочкашлаб отди эшикка.
Увоқ излаб юрган сичқонлар
Жон ҳолатда қочди тешикка.
— Тангрим, роса хўрладинг, майли,
Энди эшит сўнгги сўзимни.
Эртага ҳам олмасанг жоним
Ўлдираман ўзим-ўзимни!
Дариғ тутма кароматингни,
Ола қолгин омонатингни.

Кун устига қўшин тортди тун,
Сомон йўли булутга ботди.
Тонгда кўзи илинган чолни
Бир ғалати товуш уйғотди!
— Дўстингизман, эшикни очинг,
Жавоб беринг, ҳай, жимсиз нечун?
Чолнинг музлаб қолган қалбига
Шуъла сочди митти бир учқун.
«Бу жаҳонда менинг ҳам дўстим
Бор экан-да,
Бор экан...
Ё раб!»

Бир куч унга мадад бахш этди,
Эмаклади эшикка қараб.
Остонада мўмин бир киши,
Турар эди мулойим кулиб.
Чол гўдакдай хўнграб юборди,
Ҳаяжондан юраги тўлиб.

...Одам олар одам тафтини,
Ким наф кўрди зардан, амалдан?
Хаста чол ҳам шу кун, шу кўйи
Фориғ бўлди дарддан, ажалдан,

Камалак жилоси қўнмиш адирга,
 Кўкатлар баргида кумуш сирғалар.
 Тоғлардан шамолдай чопганча ерга,
 Бетиним куйлайди митти жилғалар.
 Ватаним ҳуснидан қамашар кўзим,
 Ёмғирдай қуйилар қалбимга илҳом.
 Шиддаткор ирмоқдай отилар шу зум
 Дафтарнинг юзига дилдаги калом.
 Рухимда уйғонур чексиз бир сурур,
 Чексиз бир севинчдан энтикади дил.
 Кўнгил боғларига таратади нур
 Оқ, қизил, напармон, хил-хил атиргул.

Ернинг қулоғига най чалар ёмғир,
 Самонинг энг эски куйини,
 Самонинг энг эзгу ўйини,
 Гоҳида дард билан,
 Гоҳида зарб билан
 Ернинг қулоғига шивирлар ёмғир.
 У сирли шивирлар,
 сирли ҳайқирар:
 Губорни ювингиз, одамлар!
 Гардларни қувингиз, одамлар!
 У сирли шивирлар,
 сирли ҳайқирар...

БИР ҚУШИҚ ИЗЛАЙМАН

Адирда мавж урар зангори ғазал,
 Чўққилар қўйнида доларанг қўшиқ.
 Ёмғирлар эшилиб куй чалган маҳал,
 Булутлар қўшиққа кетар қоришиб.
 Шоирга ўхшайди бу тонг она ер,
 Япроқлар пичирлаб шеър тўқир ҳатто.
 Юлдузлар лабидан қанотлари нур,
 Ипактан сатрлар учар тун аро.
 Биллурий шабнамдай оппоқ чечаклар
 Гўё бир-бирига айтур эртақлар.
 Бу саҳар қалбимга ётдир ҳаловат,

Учқур хаёлимда яшил этаклар.
Бир қўшиқ излайман табиатга хос,
Борлиқдай фусункор, ҳаётдай кўркам.
Кулганда юлдузлар очилса қийғос,
Гўзаллик уфурса йиғисида ҳам.
Бир қўшиқ излайман, субҳи сабодай,
Ором ташиш бўлса дилларга иши.
Бир қўшиқ излайман, тонгги ҳаводай,
Симириб тўймаса уни ҳар киши.
Бир қўшиқ излайман, одамларга у
Ҳаёт ато қилса бобо қуёшдай.
Гоҳ баъзи олчоққа оғу бўлса-ю,
Мажақлаб ташласа тегирмон тошдай.
Бир қўшиқ излайман,
Бир қўшиқ...

ҲАЁТ КИТОБ ЭМАС...

Ҳаёт китоб эмас:
Уни тўқиш қийин.
Уни ўқиш яна қийин,
Дўстгинам.

Ҳаёт шароб эмас:
Уни ичиш қийин
Ундан кечиш яна қийин,
Дўстгинам.

Аралаш қасрдай,
Тилсимли қасрдай
Тақа-тақ ёпиқдир
Ҳаёт дарчаси.

Юрак чўғдек бўлса,
Ақл тигдек бўлса,
Қаттакон очикдир
Унинг эшикларин
Барча-барчаси...

ФАВВОРА

Қайнаб ётган фавворанинг
Кокиллари ёйилган.
Кокиллари камалакнинг
Суви билан чайилган.

Товланиши товусни ҳам
Уялтириб қўяди.
Фақат бир ўй бечорани
Куйдиради, куяди.
Рост, шиддатда вулқонни ҳам
Назарига илмайди.
Лекин қандай оқиш йўлин
Ирмоқчалик билмайди.

БИР ЙИГИТ

Бир йигит — ақлли, забардаст, ўктам,
Кўзидан сезилар сабот-бардоши.
Чехраси янада кўринар кўркам,
Порласа гоҳ унинг хаёл қуёши.
Уни кўп ўйлатар сомончи йўли,
Хаёллар самани кўкда толади.
Аммо ёнидаги дўстининг дили
Олис сайёрадай сирли қолади.
Балки ютқазикдир, балки ғалаба,
Китоблар қўйнидан ҳаёт излар у.
Китобда оҳ урса бирон талаба,
Бағрига тиғ санчар беадад қайғу.
Бахтсизлик олови қуршаса агар
Севиб ўқиётган қаҳрамонини
Юраги анордай эзилиб кетар,
Тикмоқдан тоймади унга жонини.
Лекин нажот сўрса кимдир ундан гоҳ
Тақдир зайли билан умр йўлида,
Дўстларим, у асло бўлолмас паноҳ
Нажот турса ҳамки гарчи қўлида.
Ёнимда у шундай топмоқда камол,
Ёнма-ён ўсмоқда гуноҳ ва савоб.
Уни олқишламоқ қийин, эҳтимол,
Лекин қоралаш ҳам азобдир, азоб.

ҲАЁТ ҲУКМИ

Сен пок қалбдан кулдинг,
Чидадим.
Сен пок қалбни ~~қилдинг~~
Чидадим.
Сен хиёнат қилдинг

Аҳдинга,
Човут солдинг ётнинг
Бахтига.
Сен дўстингнинг бағрин
Қилдинг қон...
Мен чидадим барига,
Нодон.
Бугун... тўқдинг
Онанг ёшини...
Энди ейман,
Ейман бошингни!

* * *

Жўшиб, ёниб сайради булбул,
Фавворадай тошди ўлани.
Жўшиб, ёниб сайради булбул,
Қўшиқ босди қирни, далани.
Ер кўксига, гуллар баргига
Шабнам бўлиб сингди қўшиғи.
Самовотнинг зангор бағрига
Юлдуз бўлиб қўнди қўшиғи.
Шамоллардан ўзиб кетди у,
Ой нурига осилиб олди.
Сўнгра шафақ бўлмайн олу
Қуёш сари дадил от солди.
Булбулчанинг янгроқ куйдан
Шамдек эриб сурма ранг оқшом,
Ёноқлари ял-ял товланиб
Эшигимдан кириб келди тонг.

БОЙЧЕЧАК

Япроқларин ёзди серғалва тонгда
Қишнинг муз тахтига солиб зилзила.
Унинг бу шиддатли жасоратидан
Қаҳратон қиш қалбин босди ғулғула.

Гарчанд кўролмади сулув баҳорни,
Лекин унга жонин фидо этди у.
Ва гўё: «Дўстларим, баҳорни куйлаш —
Жондан-да азиз!» — деб нидо этди у.

ХАТОЛАРИМ

Гоҳо баланд чўққиларга
Чиқмоқ бўлсам агарда,
Ё нотекис сўқмоқларда
Тойиб кетсам сафарда,
Ё қайдадир толиб қолсам,
Йўлим босса туманлар,
Нигоҳимдан ғойиб бўлса
Сулув-сулув чаманлар —
Хатоларим, хатоларим,
Сиз тушасиз ёдимга.
Кўз олдимдан силжимайсиз
Ҳар нафас, ҳар одимда.
Сизга қараб, яна қалқиб —
Кетмай дейман йўлимда.
Сизга бордир нафратим ҳам,
Ҳурматим ҳам дилимда.
Аямасдан мени гоҳо
Дард қаърига ташлайсиз.
Гоҳо сабоқ, маёқ бўлиб,
Тўғри йўлга бошлайсиз.

ПОЙГАЧИГА

Марра яқин,
Марра яқин,
Учиб қолгин, дўстим, ҳей!
Кулиб турган бахтгинангни
Қучиб қолгин, дўстим, ҳей!
Уз кучингни синамоққа
Мана, энди етди гал.
Бир нафасда, балки, барча —
Истакларинг бўлур ҳал.
Бир нафасда толегинанг
Кулиши ҳам ҳеч гапмас.
Бир нафасда бор тилагинг
Сўниши ҳам ҳеч гапмас.
Марра яқин,
Марра яқин,
Жуда қиммат бу дамлар.
Товонингдан ёнсин чақин,
Қойил!— десин одамлар.

Ҳей қайиқчи!
 Қандай гап бу,
 Тўхтаб қолди эшкагинг?
 Лабларингда ҳазин кулгу,
 Хаёл сурмак эрмагинг.
 Қайдалигинг эсла бир пас,
 Эшкагингни ол тезда.
 Пуч хаёлни қилсанг ҳавас,
 Тушмагин-да денгизга.
 Йигитмисан ахир...
 Бўл, ҳей!
 Синдир тўлқин шаштини.
 Забт айлагин денгизнинг ҳув.
 Туман босган даштини.
 Нигоҳингда ёнсин чақин,
 Қуриб қолсин майли лаб.
 Шиддатингдан нилий тўлқин
 Ҳайратлансин шовуллаб.
 Фақат,
 фақат бир манзилда
 Тўхтамагин ҳеч узоқ.
 Тўхтадингни, ўз-ўзингга
 Қўяжаксан сен тузоқ.
 Қутурсами тўлқин, ҳай, ҳай,
 Додинг етмас қулоққа.
 Сени писта пўчоғидай
 Ирғитади қирғоққа...

ФУТБОЛ МАЙДОНИДА

Каттакон, ям-яшил майдонда
 Беллашар бир гала ўйинчи.
 — Оҳ, қаранг! Тўп тушди нишонга,
 Суюнчи чўзинг, ҳей, суюнчи!

Беллашув шиддатли ва оғир,
 Ҳаққоний «жанг» борар басма-бас.
 Афсус, шу ерда ҳам баъзи бир
 Ландовур, ношудлар йўқ эмас.

Балодай кўринар ҳар дамда
 Ундайлар ҳамманинг кўзига.

Довдирар, қоқилар қадамда...
Ўзига қийин-да, ўзига!

Чунки, бу майдонда ҳеч қачон
Иш бермас «тиргак»лар, «нарвон»лар.
Бу ерда қучади доим шон
Энг кучли, энг моҳир, чаққонлар.

УЧ ҚУШИҒИМ, УЧҚУРТОЙ

Уч тойчоғим, чуҳ қани!
Учгин сирли маъвога.
Туёғингининг чақини
Ларза солсин самога.
Манзил жуда йироқдир,
Энди чиқдинг сафарга.
Аммо умид чироқдир,
Зафарга чоп, зафарга.
Чатнаб ётган чўллардан
Камон ўқдай учиб ўт.
Из тушмаган йўллардан
Бахтинг изла, бахтинг тут.
Балки тунлар пинжида
Парвозингдан чекиб дард,
Қайралган тиг қўнжида
Йўлинг пойлар бир номард.
Тигдай тегсин уларга
Дупурингининг наъраси.
Шунда ўчиб кетажак
Ғанимларнинг нафаси.
Уч, тойчоғим, уч, сени
Яратганман зўр ишқдан.
Туёқларинг ёлқини
Қўшиқдандир, қўшиқдан.
Уч, қўшиғим, учқуртой,
Юрак номли юрт сари.
Эриб битсин куйингдан
Бу «мамлакат» дардлари.
Эриб кетсин шам мисол
Оташингга бермай тоб,
Энг дунёвий ва ҳатто
Ута шахсий изтироб.
Агар...
вақт тегирмони

Эзиб кетса овозинг,
Даврларнинг сурони
Парчаласа парвозинг,
Она ер юрагига
Тута олмасанг қулоқ,
Қўйгин, ундай парвоздан
Учмаганинг яхшироқ.

ДУСТУ ҒАНИМ

Дўсту ёронлари бўлгай, албатта,
Ҳар кимки дунёга келгандан кейин.
Яхшилар қатори лекин ҳаётда
Ёмон касларнинг ҳам бўлмоғи тайин.

Риёкор зотлардан асрасин худо,
Улар шому саҳар эговлар жонни.
Ғанимлар ёвузбад бўлса ҳам, илло —
Курашга ўргатар доим инсонни.

Қуллуқ қилсанг арзир уларга, зотан
Улар бор — фикрингни босмагай қиров.
Ёнингда яшайди ўзга бир шайтон,
Оламда топилмас ундан разил ёв.

«Дўсту ғаним», дерлар унинг номини,
У сенинг бағрингга шошар ҳар қачон.
Баробар сипқорар севинч жомини,
Қошу қабоғингда яшар шодумон.

Сен уни «Суянчим — тоғим» дегайсан,
Бор сиру асроринг айтурсан унга.
Дўстим деб ҳар қайда ғамин егайсан,
Ҳамроҳ бўлур дерсан бир қора тунда.

Ишинг юришганда, кулганда омад,
Куну тун бошингда парвонадир ул.
Оташин нутқлар айлагай ирод
Садоқат бобида онт ичар нуқул.

Ёру биродарлар қилурлар ҳавас
Бундай содиқ йўллош ахир, қайда бор!
Сен шундай дўст учун молингдан эмас,
Жондан кечарга ҳам турурсан тайёр.

Агар бирон номард унга отса тош,
Қўлларин мажақлаб ташларсан бешак.
Кўзларида кўрсанг бирон томчи ёш
Анордай, анжирдай эзилар юрак.

Оҳ! Агар ҳаётда нимадир бўлиб,
Ташвиш соя солса ногоҳ бошингга,
Ул дўсту ғаниминг ғазабга тўлиб
Дарҳол тош кўтариб чопар қошингга.

Қутурган кучукдай ириллаб, ҳуриб,
Устингга ташланар, кўзлар — қонталаш.
Маломат ёғдирар биринчи бўлиб,
Тилларки илондир, сўзлар — жонталаш.

Уни кўрган чоғи душман ҳам ҳатто
Ёқа тишлаганча қотиб қолур жим.
Шунчалар беҳаё, шундай бедаво,
Шу қадар маккордир — бу дўсти ғаним.

Қаршингдаги ёвдан чўчима,
У ёт,
Огоҳ эмас барча ташвиш, ғанимдан.
Ичингдаги ёвдан бўлгин эҳтиёт,
Дўсту ғанимдан қўрқ,
Дўсту ғанимдан.

ДУМ

Ҳайвонларнинг кўпчилигида
Дум бўлади, яхши биласиз.
Одамнинг ҳам баъзи бирида
Дум бор, деса нега куласиз?
Ҳайвон учун дум ҳам бир аъзо,
Усиз қолса, уят бўлади.
Кимса борки, дум билан даҳо,
Дум бўлмаса, тамом — ўлади!
Қизиқ жойи яна шундаки,
Икки думли жонивор йўқдир.
Аммо, айрим зотларнинг кети
Қатор-қатор думга тўлиқдир.
Ул зот минса мансаб отига,
Томошани кўраверасиз.
Иш тушганда думдор зотига

Думларидан сўрайверасиз.
Қаён борса, чувалчанглардай
Билтанглашиб борар думлари,
Ва орадан сал фурсат ўтмай,
Илонларга айланар бари.
Остонада бўлишиб кулча
Вишиллаб пўст ташлаб ётади.
Танага хавф сезилса қилча,
Уқ илондай ўзин отади.
Бир-бирининг қўлидан тутиб,
Хўжасини бермас бировга.
Секин-аста олдинга ўтиб,
Олишади уни етовга.
Қайга бошлар, қаён етаклар,
Инсоф берсин думларга худо:
Думдорларни думлар ҳар сафар
Балоларга бошлайди аммо.
Лекин ҳаёт бир кун қилса қасд,
Чаён бўлиб чақар думлари.
Ҳа, думдори ажали эмас,
Ўлдиради фақат думлари.

ҚУШНИГА

Итингдан ранжима, ёзғирма, қўшни,
Итнинг вазифаси — ҳуриш-ку.
Нега унутасан зиммангдаги ишни?
Бурчинг — суяк ташлаб туриш-ку!

Аммо огоҳ бўлки, итга эт битса,
Ҳеч кимни танимай қолади.
Бу махлуқ, занжири узилиб кетса,
Аввал ўз пойингдан олади.

ҚИЁФАСИЗ КИМСА

Сенинг на қиёфанг, юзинг бор,
На тусинг, на кўзинг, ўзинг бор.

Соядек, шарпадек бесас, жим,
Инсмисан — жинмисан, билмам ким?

Изма-из кезса-да, ҳар маҳал
Сояю шарпалар бехатар.

Ҳеч қачон сўрашмас ошу нон,
Сотишмас, отишмас ҳеч қачон.

Инсу жин бўлсайдинг қанийди,
Улар ҳам одамни танийди.

Қўлига бекор тош олмайди,
Қимсани беҳуда чалмайди.

Турса-да, ҳар ишга тайёр — шай,
Дуодан чўчийди, ҳар қалай.

Сенчи, сен на қарғиш, дуодан,
Қўрқмайсан ҳаттоки худодан!

Қимнингки имони саломат,
Бошига солурсан маломат.

Хезлайсан чақмоқни жалага,
Тезлайсан отани болага.

Ҳар банда ҳайрондан ҳайрондир,
Қадамнинг етган уй вайрондир.

Қирқ йиллик жўралар ёвлашар,
Чоҳ қазиб, бир-бирин овлашар.

Алҳазар! Минг бора алҳазар!
Дастингдан ажал ҳам дарбадар.

Ташна-зор бўлса-да жонингга,
Ботиниб боролмас ёнингга.

Ҳа, балки қўрқмассан ажалдан,
Фақат бир ёвинг бор азалдан.

Чангаллаб туради бўғзингдан,
Ўзинг — У!
Қўрқасан ўзингдан!

Қачондир сўзинг ер сўзингни,
Бир куни кўзинг ер кўзингни!

Ёмонлик қилсанг-да қадамда,
Сен яна қўрқасан одамдан.

Хунаринг орқадан отиш ўқ,
Юзма-юз келарга жонинг йўқ.

Ногаҳон қаршингдан чиқса ким,
Қочасан шарпадек бесас, жим.

Юрасан соядек нотавон,
Инсмисан — жинмисан, ноаён.

Сен шундай қисматга маҳкумсан,
Борсану, аслида марҳумсан.

Эй! Қандай олқинди совунсан,
Айт, қайси қавмга товунсан?!

НЕГА КУЯСАН

Баъзилар шодумон очсалар қучоқ,
Баъзилар сўзимга солсалар қулоқ,
Илиқ гап айтсалар баъзи дўст-ўртоқ,
Нега бужмаясан, қовоқ уясан?
Сен нега куясан, нега куясан?

Маърака, мажлисда кўришмайин кам,
Сўз бериб қолишса гоҳо менга ҳам,
Кўзингда адоват, надомат, алам,
Ҳатто тушларингда нафрат туясан,
Сен нега куясан, нега куясан?

Қаддимни камонга йўйса бирон кас,
Рангимни сомонга йўйса бирон кас,
«Эй, ҳоли ёмон» деб, қўйса бирон кас,
Ул зотни мунчалар силаб-суясан,
Сен нега куясан, нега куясан?

Мартаба, марҳамат, шон сўрадимми,
Меҳр тиладимми, нон сўрадимми,
Ёки айт, товуққа дон сўрадимми,
Биродар, ҳасаддан қачон тўясан?
Қачон тинч қўясан?
Нега куясан?

Қачон пайдо бўлган бу разил фириб,
 Ва у қай тариқа юққан инсонга.
 Нечун баъзи каслар хатолар қилиб,
 Гуноҳин тўнкайди шўрлик шайтонга.

«Шайтон йўлдан урди, оздирди шайтон,
 Шайтон ўғирлади ақлу ҳушимни».
 Биродар, бўйнингга олурсан қачон,
 Биронта гуноҳу бирон ишингни?

Қарагин, элликдан ошибди ёшинг,
 Патила сочингда тутам-тутам оқ.
 Ўтга тиқавермай шайтоннинг бошин,
 Атрофга қарасанг бўларди бундоқ.

Бандага инсоф-у, ўлимга сабр
 Тиламоқ одатдир азал-азалдан.
 Лекин ҳар умрнинг адоғи қабр,
 Ахир, қутилганми ҳеч зоғ ажалдан.

«Марҳум қандай эди?»
 Бу сўнгги йўқлов
 Сенинг бошингда ҳам айланар бир кун.
 У чоғда айбингни шайтонга дарров
 Тўнколмай, армонда кетмоғинг мумкин.

Кел, бир гал ҳасадни қувгин-да сен ҳам
 Бир чимдим савобга тарафдор бўлгин.
 Кимсанинг бахтига тутмасдан мотам,
 Бахтидан суюниб, бундоқ бир кулгин.

Бир ўксик банданинг бошини силаб,
 Дардига дармон бўл, кўнглига малҳам.
 Дўстларга дўстона тилаклар тилаб,
 Май тўла қадаҳни сипқоргин ўктам.

Алқисса, бу очун, бу ҳою ҳавас,
 Сендан-да, мендан-да қолмоғи тайин.
 Қўй, иғво-ғийбатдан узоқ тур бир пас,
 Бир яйрасин шўрлик шайтони лаъин...

МАЙДА ГАП

Яшар эдик минг йил, эҳтимол
Бўлмаганда агар майда гап.
Эговлайди жонни у баттол
Ҳар кун тинмай, майда-майдалаб.

Бўлмас эди адоват, жанжал,
Хусуматга қолмасди сабаб.
Бўлар эдик анча мукамал
Бўлмасайди агар майда гап.

Бўғизгача ботиб гуноҳга,
Юрмас эдик қақшаб, қалтираб.
Синар эди шайтоннинг шохи,
Бўлмаганда агар майда гап.

Қутурмасди қаллобу каззоб,
Дайдимасди ҳасад жонталаб.
Қийнамайди одамни азоб,
Улдиради лекин майда гап.

Урушлардан безганмиз, илло —
Уруш деса титрайди асаб.
Майда гапнинг олдида аммо,
Урушлар ҳам жуда майда гап.

Осмон титрар, булутлар тўзар,
Тоғу тошни ташлар майдалаб.
Ҳатто бутун дунёни бузар
Индамасанг агар майда гап.

Учма шайтон васвасасига
Дилларни пок йўлларга бошла.
Эй дўст, барча майда гапларни
Энди майда-майдалаб ташла!

ПОЛИЗ ҚУРИҚЧИСИ

Кўрган лолу ҳайрон қолур санъатингизга:
Жанда чопон, пўстак телпак — давлатингизга.
Тасаннолар бўлғай савту савлатингизга, —
Хайриятки, жонингиз йўқ, Қўриқчи ака.

Сизни кўрса ура қочар майна, чумчуқлар,
Ёнингизга йўлолмайдн шўрлик кучуқлар,
Шайтонларнинг лабларида тошар учуқлар,—
Хайриятки, жонингиз йўқ, Қўриқчи ака.
Дала-дашту дов-дарахтга доясиз гўё,
Кўкатларнинг бошларига соясиз гўё,
Еру кўкни суяб турган қоясиз гўё,—
Хайриятки, жонингиз йўқ, Қўриқчи ака.

Хайриятки, қўлингиз йўқ,
оёғингиз йўқ.
Йўнилмаган заранг чўпон таёғингиз йўқ,
Кетмон, болта, шоха, оддий ўроғингиз йўқ,
Хайриятки, жонингиз, йўқ, Қўриқчи ака.

Кетмон бўлса ариқларни бузардингиз-ов,
Ўроқ берса, қулоқларни узардингиз-ов,
Шоха билан ҳўкиздайн сузардингиз-ов,—
Хайриятки, жонингиз, йўқ, Қўриқчи ака.

Рост айтганда, яшаш учун Сиз ҳам кераксиз,
Сиз кимгадир текин дастёр, тайёр, тиргаксиз,
Қимлар учун ваҳимасиз, кимга эрмаксиз,—
Хайриятки, жонингиз йўқ Қўриқчи ака.

Баъзилар бор,
Қошу кўзи жойида, аммо —
Юраги йўқ,
имони йўқ,
қилмиши нғво.
Салла деса,

калласидан қилурлар жудо,
Жонингиз йўқ...

Жонлилардан асра,
эй худо!

Жонингиз йўқ.
Кўнглимиз тўқ,
Қўриқчи ака...

ОТАМНИНГ МАҚТУБИ

Уфққа лаб босган йўл бошидасан,
Суронлар, бўронлар олдда беадад.
Ўғлим, ўғитим шу — бу кўчада сан
Кимгадир суяниб яшама фақат.

Қилич тушса ҳамки бошингга агар,
Юрагинг амрига хиёнат қилма.
Еки виждонингга илаштириб гард
Отангинг шод кунин қиёмат қилма.

Олис уфқларни кўзла ҳар нафас,
Бетиним меҳнатдан чўчимагин ҳеч.
Агар одамлар деб олмасанг нафас,
Ҳали ҳам кеч эмас, бу йўлдан воз кеч.

Вақтингинг борида қайтгин қишлоққа,
Бунда ҳам шод ўтар ҳар кун, ҳар даминг.
Меҳрингни бахш этсанг она тупроққа,
Ҳеч қайси кишидан бўлмайти каминг.

Бироқ беҳудадир энди бу гаплар,
«Ишонмас экан»... деб ўйлама яна.
Оталар кўксига ўқдек санчилар,
Ўғлига айтилган ҳар қандай таъна.

...Тунов кун дафтаринг варақлай туриб,
Кўзим тушиб қолди уч-тўрт шеърингга.
Айниқса, «Юрт» деган шеърингни кўриб,
Қувончдан сиғмайин кетдим теримга.

Қолганлари эса... очигин айтсам,
Кўнглимга унчалик бўлмади маъқул.
Гўё бошқа гап йўқдек ўзинг ҳам,
Бир қизни суйдим деб ёзибсан нуқул.

Ахир, шеърбоп гаплар кўп-ку қишлоқда,
Ёзгин ўзимизнинг Ургут тоғини.
Сойлик бўйидаги яшил ўтлоқда
Кўзилар қувлашиб юрган чоғини.

Еки Омонқулнинг келинини кўр,
Бултур икки тонна тамаки терди.
Бир оёқ бўлса ҳам Аҳмад тушмагур
Гуллатди қирдаги ажриқзор ерни.

Ким ҳақда ёзсанг ҳам ёзгин-у майли,
Фақат ҳар сатрингда эҳтирос бўлсин.
Сенинг ҳаяжонинг — шеъринг туфайли,
Юраклар шодлигу қувончга тўлсин.

Қисқаси, қўрқмасанг меҳнат қилмоқдан,
Яхши шеър ёзишга ишонса кўнглинг,
Мен ҳам ғойибона юрак-юрақдан
Сафарингга оқ йўл тилайман, ўғлим...

БОЛАҚАЙНИНГ ТАШВИШЛАРИ

(Ҳазил)

Сира-сира етмайди ақлим,
Дадамларнинг бундай ишига.
Сайлов куни овозини денг
Берармишлар бошқа кишига.

Не бўлади ахир, беовоз
Қандай сўзлаб, чақирадилар!
Кўп-кўп овоз олганларга соз —
Маза қилиб бақирадилар.

БИР НАҲАНГ

Бир наҳанг бор,
бундай айёр
Йўқдир наҳру уммонда.
У тузоқлар орасидан
Ўйнаб чиқиб кетади.
Содда,
Лақма балиқларни
Айни ўша маконда,
Тумшуғидан илинтириб,
Тўрға тиқиб кетади.

ЖУРЪАТСИЗ ЖУРЪАТ

Қудуққа бош тиқиб бир нотавон кас
Ўкинди, сўкинди, обдон сўкинди.
«Хумордан чиқдим-а...» деганда, ноҳос,—
Ваҳима босдию кўзлари тинди.

Дарров кетмонини қўлига олиб,
Гурсиллатиб тупроқ ота бошлади.
Кун ботар чоғида ҳарсиллаб, ҳориб,
Хатарли қудуқни
Кўмиб ташлади.

ЕЛҒИЗ ДАРАХТ

(Чизгилар)

I

Тарновларнинг кўзи лим-лим ёш,
Қор тагида йиғлар ҳайқириқ.
Чўмилади бир жуфт чағир тош
Нов остида сассиз қийқириб.

Том бошида мудрайди шамол,
Сўнгги япроқ заъфарон — карахт.
Хўрсинганча суради хаёл
Қип-яланғоч, букчайган дарахт.

II

Еру кўкда титрайди титроқ,
Жаранглайди жарангдан дара.
Отилади ёниб, шарқираб
Нуркамалак — нурли шаршара.

Шаршарада яйраб, ярқираб,
Чўмилади бахтга тўлган бахт.
Ҳаяжондан маъюс, мўлтираб
Энтикади букчайган дарахт.

III

Емғир каби сим-сим, симиллаб,
Еға бошлар қорамтир туман.
Уҳ тортганча аста, имиллаб
Чўққиларга ёнбошлар осмон.

Уйқу босар. Осуда тушлар
Оғушида ухлаб қолар вақт.
Ойнинг оппоқ нурини тишлаб
Тўлғонади букчайган дарахт.

IV

Кўзин юмса — девлар галаси,
Кўллариди болталар — чақмоқ.
Олисларда ўрмонлар саси,
Қайлардадир най чалар булоқ.

Болталарнинг ўтли чақмоғи,
Танасида қарсиллар.
Даҳшат!
Олишмоққа келмайин чоғи
Қалт-қалт титрар букчайган дарахт.

V

Киприклари илинган маҳал,
Акиллайди бир қари кучук.
Ҳар куни шу — ҳар кун, ҳар саҳар,
Уйғонади сесканиб, чўчиб.

Оппоқ ойдин осмон гуллари
Очилади уфқда қат-қат.
Қучоғига босар уларни —
Тонгни қучар букчайган дарахт.

АВВАЛ БАҲОР

(Манзара)

I

Ёмғир ёғар,
Янграр хуш наво.
Юпқа музлар синар чарсиллаб.
Тўниб-дўниб, бўғриққан маъво
Нафас олар тўйиб,
ҳарсиллаб.

II

Қорлар кемтик деворлар оша
Қочиб борар қоялар сари.
Кўз ёшларин артади шоша
Пастак уйнинг деразалари.

III

Бодомларнинг сочларин тараб
Қиқирлайди қиқилдоқ шамол.
Айвондаги кетмонга қараб,
Энтикканча
Хўрсинади чол...

ҲОЛАТ

Бир тўп булут, оқ-қора булут,
Ўз дардида оввора булут.
Осилганча баланд қояга,
Қараб қолди бедапояга.
Қўзғолдими дилдаги дарди,
Туриб-туриб, йиглаб юборди.

* * *

Юрагим безовта кемадир,
Нимадир бошлангай, нимадир.
Нимадир бошланса, албатта
Нимадир бўладир, нимадир.

ЖАННАТМАҚОН ОТАМ ҚУЧИМ ХУДОЙБЕРДИЕВНИНГ ЖАЙДАРИ УГИТЛАРИ

ҚАСАМ УРГАЙ

Яратганнинг амри бу: аламини алам ургай,
Ҳасадни ҳасад ургай, ситамни ситам ургай.
Қасамхўрлар жазодан қочиб қаён борурлар,
Қасамхўрни бир куни даҳшатли қасам ургай.

БЕГОНА ХОНАДОНДА

Бегона хонадонда кўзингни эҳтиёт қил,
Орифлар суҳбатида сўзингни эҳтиёт қил.
Бевақт бало-қазога гирифтор бўлмай десанг,
Нокасу нодонлардан ўзингни эҳтиёт қил.

УТМАС ПИЧОҚ

Буғдойга ўроқ тушса, бошоқлар сомон бўлгай,
Алиф қадлар бир куни эгилган камон бўлгай,
Жонинг олар бўлсалар қўрқма ўткир пичоқдан
Ўтмасидан асрасин, ўтмаси ёмон бўлгай.

АҲМОҚ

Дарров тухумдан қолгай товуқ семириб кетса,
Эгасига ташланар кучукларга эт битса.
Энг аввало ўзининг чодирига қўяр ўт,
Худо уриб аҳмоқнинг қўли чақмоққа етса.

ҚҰРҚОҚДАН ҚҰРҚ

Довлашавер дов билан,
Евлашавер ёв билан.
Чўчима сур, олчоқдан,
Қўрқоқдан қўрқ,
қўрқоқдан...

УИЛАМАЙ СУИЛАГАНЛАР

Улар неки топсалар —
Тилларидан топганлар
Тилларидан ошишган,
Тилларидан чопганлар.

ДИЛОЗОР

Қилмиши — қинғирлик, адоват,
Кимсага тиламас омонлик.
Куну тун тополмас ҳаловат
Бир нафас қилмаса ёмонлик

СИРДОШИНГГА

Ҳаётда оз эмас улфату ўртоқ,
Улардан қизғанма юрак қўрингни.
Бегонани ўзинг билурсан, бироқ —
Сирдошингга сира айтма сирингни

ЛАГАНБАРДОР

Азалдан шундайдир ул туллак кимса:
Этагин ўпади ким отга минса.
Болта олиб чопар ҳаммадан аввал,
Суянган чинори ногаҳон синса...

БЕГОНА ЭМАС

Тоғдек таянч,
Дардингга малҳам,
Давлат эрур дўсту қадрдон.
Лек маломат тошларини ҳам
Бегоналар отмас ҳеч қачон!

НАҚЛ

Тупурмагин осмонга,
Қабристонга тош отма.
Ҳеч вақт қибла томонга,
Оёқ узатиб
ётма.

БАХИЛДА...

Қасдинг бўлса бахилда
Яхшилик қил ҳар куни.
Фақат яхшиликкина
Улдиргай уни...

СЎЗ

У дилингда чоғида доимо кўнглинг тўқдир,
Гапирдингми — вассалом, сўзинг — отилган ўқдир.
Ҳар бир гапни минг карра ўйлаб, ўлчаб гапиргин,
Оламда сўздай азиз
ва даҳшатли куч йўқдир.

ШАЙТОНДА

Қуртдир, қумурсқадир, жондир, жонзотдир,
Ватан дер, Ватансиз бахти кулмайди.
Бундай туйғу фақат шайтонга ётдир,
Фақат шайтонларда ватан бўлмайди.

АҚЛИ ҚОСИР

Кўзинг сўқир бўлса зиё тилагин,
Юзинг чўтир бўлса шифо тилагин.
Ақлинг қосир бўлса қуригай шўринг,
Ундай бошга фақат дуо тилагин.

АҚЛЛИ ДЎСТ ИЗЛАР

Ақлли дўст излар, излар раҳнамо,
Дўст ила кўкси тоғ-осмондир.
Аҳмоқ бундайларга зор эмас, зеро —
Аҳмоқнинг улфати — шайтондир.

ҲАЁТ

Гузарини ғийбат қилди умр бўйи,
Не-не диллар шу оловда ёниб-куйдилар.
Қазо етгач «ёмон» деган маҳалла-куйи
Ул бандани ҳурмат билан ерга қўйдилар...

ИЧИҚОРАЛАР

Яратганнинг ўзи асрасин
Эгри кўнгил, қинғир дастлардан.
Бўтам, аммо эҳтиёт бўлгил
Ичи қора, номард каслардан.

Ҳеч балодан қайтмайди улар,
Ифво билан қўрқитадилар.
Ҳеч бўлмаса кўприк остида
Эшагингни ҳуркитадилар.

ЯХШИЛИК ИСТАСАНГ

Дунёда дўстликдан муқаддас не бор?
Дўст бўлсанг, дўстингга жонни эт нисор.
Дўстингга яхшилик истасанг агар,
Қорини тўйдириб юборма зинҳор...

БАТАНФУРУШГА

Замон бўлди, хўб замон,
Ола-ғовур тўрт томон.
Ким яхши-ю, ким ёмон,
Билолмайин оломон
Турганда, эй шум банда,
Пайдо бўлдинг майдонда.

Нокас билан ялашиб,
Минбарда шон талашиб,
Амал деб юмдалашиб,
«Мен ҳаммангдан пеш» дея,
«Пайғамбарга хеш» дея,—

Жар солдинг:
«Ҳей гуруҳ туз!
Гуруҳ борми, сўзинг — сўз.

Сал олайса бирон кўз,
Еқасидан олармиз,
Еппасига талармиз».

Аламзада уч-тўрт кас,
Адоватда сархуш, маст.
Дунёда не муқаддас,
Бўлса қилиб хору хас,
Билмай босар-тусарни,
Бузай дединг гузарни.

Кўрган чоғда ботирни,
Унутиб юз-хотирни,
Хезлаб гала шотирни,
Ботирга тош отдинг-а,
Ботирларни сотдинг-а?

«Халқим! Халқим! Бахтим», деб,
«Халқим. Тожу тахтим», деб
Лекин ҳаром ҳалқум деб,
Эл оғзидан юлиб еб,
Пуллаб имон, виждонни,
Тўлдирдинг-а кармонни.

Хайриятки, дунёда
Ақлу идрок зиёда.
Йўқса, сурбет бу пода
Уйинда этиб давом,
Кўрсатарди кўп мақом.

Елғонларинг фош бўлгач,
Бўхтонларинг фош бўлгач,
Шайтонлигинг фош бўлгач,
Қуён бўлиб қочдинг-а?
Чин юзингни очдинг-а?

Сўнг... Оҳ! Бормас ҳеч тилим,
Эзгилаб севги гулин,
Садоқатин сотса ким,
Пушаймонга ботса ким,
Кечириш мумкин, балким.
Лекин сотса ўз элин,
Бу ўлимдир, бу — ўлим!

Юрак-бағрим ўртанди,
Вужудим лов-лов ёнди,

Қиймалаш керак танни,
Сотмоқ учун Ватанни,
Ватанингни сотдинг-а?
Ватанга тош отдинг-а?

Қандай кўнглинг борди-я,
Қандай қўлинг борди-я,
Қандай тилинг борди-я,
Сен каби беорни-я,
Нечун ер ютмайди-ей,
Ёқангдан тутмайди-ей!

Худойим, бехудодан,
Ватанфуруш гаодан,
Гадоликда адодан,
Бундай бахти қародан,
Ўзинг асра, шафқат қил,
Мурувват қил, раҳмат қил.

Сен эй, дилозор чаён,
Бошингни урма қаён,
Қисматинг оддий — аён!
Ҳар доим, бундан буён
Қимгадир қўғирчоқсан,
Ўйинчоқ — овунчоқсан.

ТУРТЛИҚЛАР

ТУЯ

Бу ҳокисор шўр сувни ҳам ютаверади,
Қим бўлмасин елкасини тутaveraди.
Бўйнидан ип боғлаб агар сичқонга берсанг,
Индамайин орқасидан кетaveraди.

ТОВУҚ

Ҳовлида хўроз каби гердайиб кезар товуқ,
Ўзини хўроздан-да устунроқ сезар товуқ.
Кўрсатган каромати биттагина тухуму
Шовқин-сурони билан оламини бузар товуқ.

ЭРҚА ИТ

Ҳайҳотдайин серҳашам хонада турар бу ит,
Ҳурса ҳам патгиламдан тушмайин ҳурар бу ит,

Кўчага чиқар бўлса ялтироқ машинада,
Тилини осилтириб ялпайиб юрар бу ит.

МУШУҚЛАР

Ярим тунда икки мушук талашади,
Жониворлар қўрқа-писа қарашади.
Бундай қилиқ бошқаларга бегона-да,
Бу иш фақат мушукларга ярашади.

СОҚҚА

Етибдими, турибдими билиб бўлмас,
Оёқ ҳам йўқ, қанот ҳам йўқ, қўл ҳам қўлмас.
Лекин туртиб қўйсанг тамом — пилдирайди,
То чуқурга тушмагунча ғилдирайди.

ЭҲТИЕТКОР

Баҳс чоғи олазарак, жим туради хилватда,
Иш ҳал бўлгач, ҳаммадан сўнг қотиради қарсакни.
Онажони ўтар бўлса, азада ҳам, албатта,
Энг охири уввос бошлаб, қон қилади юракни.

БАЪЗИЛАР

Баъзилар бор, тоғни талқон қила билади,
Тоғни талқон қилса ҳам жим юраверади.
Баъзилар-чи, данакдайин тошни кўтариб,
Тоғ орқалаб юргандайин юра билади...

II. КЕЛ, БАҒРИМГА БОСАЙ, СЕВГИЛИМ!

КЎЗЛАРИНГДА БИР ОЛАМ СЕҲР

Кўзларинг бир сеҳрли уммон,
Уммон аро чўкиб ётар ой.
Чўкиб ётар зангори осмон,
Чўкиб ётар шарқираган сой.

Кўзларинг бир жилвагар рўё,
Унда оҳу кезар саросар.
Қизғалдоқзор, лолазор дунё,—
Чайқалади елга баробар.

Кўзларингда жаранглар қўшнай,
Қўшчанқовуз куйлар эшилиб.
Кўзларингдан оппоқ ёмғирдай
Меҳр ёғар нурга қўшилиб.

Кўзларингда гуллар райҳонлар,
Ялпиз ҳиди маст қилар жонни.
Кўзингдаги гўзал оҳанглар
Чулғаб ётар буткул жаҳонни.

Кўзларингда тилларанг вулқон,
Бир жуфт вулқон — ёнар ловуллаб.
Бир жуфт вулқон — тубсиз ҳаяжон,
Юзларимни ювар шовуллаб.

Кўзларингда гувлар бўрон,
Учираман, дейди жонимни.
Мен қучаман,
Упаман шодон
Бўронимни — меҳрибонимни.

Кўзларингда бир олам сеҳр,
Гулим, сенсиз бахтим кулгайми?
Кўзларинг шеър,
Уни бир умр
Ўқиб, адо қилиб бўлгайми?

Кўзинг — офтоб, кўзинг — моҳтоб,
Кўзларингсиз нетурман, гулим?
Кўзларингдан айрилсам, эй воҳ,
Мен йўқ!
Менга — ўлимдир, ўлим!

КЕЛ, БАҒРИМГА БОСАЙ, СЕВГИЛИМ!

Сени кутдим.
Кутдим интизор.
Умидларим йиғлади сим-сим.
Бекор бўлди,

барчаси бекор.
Сен келмадинг,
келмадинг, гулим.

Музлар — қишнинг қовурғалари,
Оқиб ётар ариқда лим-лим.
Йиртилди-ей сабр дафтари,
Сен келмадинг,
келмадинг, гулим.

Дарахтларни силкилаб шамол
Ҳайқиради:
— Кутганинг ким, ким?!
Бўғилади бўғилган хаёл,
Сен келмадинг,
келмадинг, гулим.

Қаршимдаги баҳайбат сароб
«Шошма, дейди, «Шошмай тур, жим,
жим...»

Сўниб борар шам каби офтоб,
Сен келмадинг,
келмадинг, гулим.

Қутиш — қафас.
Қутиш — зил-зиндон.
Зиндон-қафас бунчалар дим, дим...
Шубҳа — илон, қоп-қора илон.
Сен келмадинг,
келмадинг, гулим.

Қора илон, қоп-қора илон
Қабоғимдан чақади чим-чим.
Сўнги илинж оқ тортар гирён,
Сен келмадинг,
келмадинг, гулим.

Ғамга ботар ғамнинг кўзлари,
Зардоб тўла дил тилим-тилим.
Наҳот, етмас сенга сўзларим,
Оҳ!
Кўринган сен-ку, сен, гулим!
Кел! Ғамларни осай, севгилим.
Кел!
Бағримга босай, севгилим...

ОРЗИГУЛИМ

(Эртақдан сўнг)

Нурадими нурамас тоғим,
Қуврадими қуврамас боғим,
Учдими-ей ўчмас чироғим,
Орзигулим, гуноҳим айтгил?
Орзигулим, ёнимга қайтгил!

Ярим кеча.
Гувиллар бўрон.
Яримта ой титрар саргардон.
Кўнглим менинг ойдан-да вайрон —
Орзигулим, бу не ҳол, айтгил?
Орзигулим, ёнимга қайтгил!
Сенсиз кимман?

Кул босган чўғман.
Бу дунёда борман...

Йўқ!

Йўқман!!

Бир ғарибни бор қилгил йўқдан,—
Орзигулим, орзунг не, айтгил?
Орзигулим, ёнимга қайтгил!

Кел, суюкли ёр бўлгил ўзинг
Ё... жонни ол, дор бўлгил ўзинг;
Сўзим шулдир — энг сўнгни сўзим,—
Орзигулим, орзунгни айтгил,
Орзигулим, ёнимга қайтгил...

* * *

Қовоғингни уйма, қилма иддао,
Куйган юрагимни куйдирма, жоним,
Мен-ку гуноҳимни билурман, аммо
Сени йўлдан урган ким, қайси ғаним?

Қани кўзингдаги жилвагар уммон,
Ваҳший вулқон қайдан кирди кўзингга?
Нечун қаҳ-қаҳ урар ул Қорун шайтон,
Нечун кирмоқдасан унинг сўзига!

Кулгинг изғириндай ёприлар чўққа,
Кўкрагим кулларга кетмоқда тўлиб.
Тарновлар кўз ёши чилла совуқда
Тош қотиб хўрсинар сумалак бўлиб.

Қарашларинг оғир — даҳшатли гирдоб,
Тубида ваҳшат-ла увиллар бўрон.
Бир қушча бўронда тортади азоб,
У ширин тилагим, пажмурда бир жон.

Кипригинг қучоқлаб, ёлворар зор-зор,
Бечора қушчага келмасми раҳминг?
Киприкларинг ёғоч — жонсиз, қаттол дор,
Қушчамни бўйнидан осиб қўйган ким?!
У ЖАЛЛОД сендирсан,
Сендирсан, жоним.
Тилгинам бормаиди ўзга каломга.
Дорингдан шовуллаб тўкилган қоним,
Бир куни гул бўлиб чиққай саломга.

Қип-қизил гул бўлиб, эҳтимол у дам
Оппоқ қучоғингни тўлдиради у.
Меҳрингни қизғансанг агар шунда ҳам,
Бўғиб ўз-ўзини ўлдиради у.

МЕНИ ТУШУН

Мени тушун,
азизам, тушун:
Номардлик ё алдов эмас бу,
Муҳаббат гул, муҳаббат оғу,
Муҳаббатнинг аламли доғи
Қиймалайди кўксимни бу кун,—
Мени тушун,
азизам, тушун.

Ўйламоқчи бўлдим сени кўп,
Қуйламоқчи бўлдим сени кўп,
Қийнамоқчи бўлдим сени кўп,
Бўйсунмади юрак додимга
Бахтсим менинг бўлмади бутун,—
Мени тушун,
Азизам, тушун.

Бахт истадинг менга доимо,
Бахт истадинг мендан доимо,
Ўзга ёрга меҳрим тутдим мен,
Ўзга ёрдан меҳр кутдим мен,
Ул ёр кулиб боқмади лекин,—
Мени тушун,
Азизам, тушун.

Кўзлари кўр экан севгининг,
Севги деган сўқир туйғунинг
Тушунолмай адо бўлдим мен,
Ўз-ўзимдан жудо бўлдим мен,
Ўзга учун мен суйган юлдуз
Оҳ чекармиш кечаю кундуз
Оҳ чекаман жигар-бағрим хун,—
мени тушун,
азизам, тушун.

ЗУБАЙДА

*«Оловли йўллар» фильми. Содиқбой тўшагидан
қочиб чиққан Зубайда ўзини минорадан отмоқчи
бўлиб турибди.*

Бул аҳдингдан қайтгил Зубайда,
Бул жаҳдингдан қайтгил, Зубайда.
Ўлим — ўлим...
Ундан не фойда?
О! Ўлимда адолат қайда?
Бул шаҳдингдан қайтгил, Зубайда!

Очилмаган гунча-ниҳолсан,
Айтилмаган кўшиқсан, гулим.
Номард тақдир,
Сен қандай дорсан?
Бунга... қандай бормоқда кўлинг!
Наҳот шунча қисқадир йўлинг,
Бул жаҳдингдин қайтгин, Зубайда!

Кўзингни оч, пастга бир қара,
Икки дўндиқ, икки тасқара.
Қилпиллатиб сийналарини
Қилишмоқда сени масхара.
Бу қандай ҳол, қандай манзара!

— Шунча бойлик, шунча сийму зар!
Икки дўндиқ куяр, антикар;
— Мен ўрнида бўлсайдим агар...
Дунё чаппа айланса, агар
Хушомадгўй куёвларини
Маймун қилиб ўйнатар улар...

Йўқ! Бу лойга ботмас эдинг сен,
Сен...
...Воҳ! Дунё харсангдай қотди
Ул ўзини минордан отди!
Замин қизнинг қонига ботди.
Энди сени излайман қайдан?
Зубайдам!..

Оҳ! Гулдай жон тупроққа сингди,
Зубайда йўқ дунёда энди!..
Йўқ! Сен энди қуёшда, ойда,
Шарқираган безовта сойда,
Юрак деган муқаддас жойда —
Яшайсан, яшайсан, Зубайда!...

* * *

Кетдинг...
Кетатуриб хаёлларимни
Бир шода маржондек ситиб кетдинг сен.
Уларни марварид юлдузлар қилиб
Қўл етмас самога битиб кетдинг сен.

Энди ҳар садодан,
Ҳар бир нидодан,
Ғамгин жарангловчи ҳар «Алвидо»дан,
Бедард юлдузларнинг оқ шуъласию,
Шуълаларнинг бесас ашуласидан,
Сехрли бир эртак ўқиб ётибман,
Сехрли бир эртак тўқиб ётибман!...

КЎЗЛАРИМ КЕЧ ОЧИЛДИ

Маликам, маликам,
Пешонамиз шўр экан.
Ғурур деган шайтон ёв
Бало экан, зўр экан.

Кибор ошиқлар учун
Висол уйи — гўр экан —
Орзуларим оловларга сочилди,
Очилди-ё, кўзларим кеч очилди.

Дўстлар иқбол тиладилар
Ҳамма вақт.
Дўстлар бизга тиладилар
Тилло тахт.
Капалакдай учиб кетди
Бахтсиз бахт —
Орзуларим оловларга сочилди,
Очилди-ё, кўзларим кеч очилди.

Эгилмади бир-бирига
Қоялар,
Изғиб қолди ўрталикда
Соялар,
Гулдай севги етим энди
Дарбадар —
Орзуларим оловларга сочилди,
Очилди-ё, кўзларим кеч очилди.
Оҳ!

Бу оқшом
Сен қайдаю, мен қайда.
Термуламиз:

Мен — заминда, сен — ойда.
Сўнги ўкинч,
Пушаймондан не фойда —
Орзуларим оловларга сочилди,
Очилди-ё, кўзларим кеч очилди.

ҚОР ЁҒМОҚДА

Қор ёғмоқда...
Қор ёғарди ўша куни ҳам.
Ғалвиридан фақат қувонч эларди фалак.
Қор-капалак ўпар эди чаҳрангдан, эркам,
Оппоқ нурли парчалардек соф эди юрак.
Худди қуёш томчисидек қорларга боқиб,
Бахтимиз ҳам шундай тиниқ, оқмикин, дердим.
Қор рақсига кетганингда қўшилиб, оқиб,
Шамоллайсан, деб ўзимча ғамингни ердим.
Бу кун сенинг бахтинг учун қайғурмоқда ким,
Қимлар билан боқмоқдасан оппоқ «қуш»ларга?

Е беғубор шўхликлару эркаликларинг
Айландими ёшликдаги ширин тушларга?
Қор ёғмоқда...
Бўялмоқда ҳар ён оқ рангга,
Тарновларда сумалаклар кийган оқ чопон.
Сенга қандай?
Менга борлиқ оппоқ рангдаги
Илк севгимга ўхшаб-ўхшаб кетмоқда бу он.

ДЕВОР

Усмирликда,
Усмирликда —
Ким суймаган кимнидир.
Қўшни қизни суюб қолди
Юраккинам тушмагур.
У куйласа гўё дунё
Қўшиқ бўлиб қоларди.
Майин оҳанг дилгинамга
Ғулғулалар соларди.
Кўрайин деб ой юзини
Фурсат пойлаб юрардим.
Ўртадаги лой деворни
Беҳад ёмон кўрардим.
Назаримда, қўшнимизнинг
Бу безабон девори
Мендан ёрни тўсар эди
Қоработир мисоли.
Шу бўлмаса ёр васлига
Етар эдим чамамда.
Мендан бахтли бўлмас эди
Бу муаззам замонда.
Деворни йўқ қилиш йўлин
Мудом ўйлаб юрардим.
Ишонсангиз шу нарсани
Тушларимда кўрардим.
У чоғларда шодлигимдан
Қулмас эдим ҳали мен:
Қарашлар ўртасида,
Қурашлар ўртасида,
Соялар ўртасида,
Ғоялар ўртасида,
Одамлар ўртасида,
Оламлар ўртасида,

Деворлар борлигини
Билмас эдим ҳали мен.
Энди барча деворларни
Кўзим йўқдир кўрмоққа,
Бузиб, қориб ташлай дейман
Ҳаммасини тупроққа...

III. СИЗГА ЭНДИ БОЙЛАНДИМ, УМР БЎИИ БОЙЛАНАЙ!

АМРИҚОЛИК ВАТАНДОШЛАРГА

*Колумбия дорилфунунда ўтган кечада ўзбекча
либослардаги йигит-қизларни кўриб, кўзларимга
ишонолмай қолдим...*

Ватандан йироқларда, макондан йироқларда,
Бегона қирғоқларда, бегона тупроқларда,
Сизларни кўриб қалбим титради япроқлардай,
Тилим келмай каломга, ҳаяжондан қолдим жим,
Азиз ватандошларим, қариндош-қондошларим!

Нью Йоркда Сизнимас, гўё Қўқонни кўрдим,
Қадимги Туркистонни, кўҳна Туронни кўрдим,
Ўз боғига талпинган бегуноҳ жонни кўрдим,
Азиз ватандошларим, қариндош-қондошларим!

Сиз Нодира, Маҳзуна, Увайсийнинг қизисиз,
Сиз ҳазрат Навойнинг ғазали — ҳақ сўзисиз,
Сиз ўзбекнинг издоши, Сиз ўзбекнинг ўзисиз,
Азиз ватандошларим, қариндош-қондошларим!

Туркистонни бир пайтлар парча-парча қилдилар,
Парча-парча қилдилар, сўнг беаёв шилдилар,
Шилинган баданларга омоч солиб тилдилар,
Азиз ватандошларим, қариндош-қондошларим!

Шу бевафо қисматга Сиз ҳам дучор бўлдингиз,
Сарсон-саргардонликда мададга зор бўлдингиз,
Гоҳида оч, гоҳи тўқ, гоҳи бемор бўлдингиз,
Азиз ватандошларим, қариндош-қондошларим!

Чопон, дўппи ярашган бошингиздан айланай,
Қоп-қора кўзингиздан, қошингиздан айланай,
Сизга энди бойландим, умр бўйи бойланай,
Азиз ватандошларим, қариндош-қондошларим!

Тилагим: қайда бўлманг, доим омон бўлингиз,
Ҳар қадамда ёнма-ён, бир тан-бир жон бўлингиз,
Ўзбекистон бўлингиз, Ўзбекистон бўлингиз,
Азиз ватандошларим, қариндош-қондошларим!

ЧИН СУЗ

*...Ватанимизга боришни истайман. Лекин мамла-
катда бизни хоинларнинг болалари, дейишар
эмиш...*

(Соҳиба Сайхон армони)

Соҳибахон, аламли сўзингизни эшитдим,
Тили тушсин узилиб Сизни хоин деса ким!
Сиз бевафо қисматнинг бир бегуноҳ қулисиз,
Сиз Туркистон чечаги, Ўзбекистон гулисиз.
Ахир, синглим, Сиз ҳали очилмаган лоласиз,
Баттол тақдир қўлида жовдираган боласиз.
Жовдир-жовдир кўзингиз адолатни излайди,
Жовдир-жовдир термулиб, адоватдан бўзлайди.
Кимларнингдир хатоси, кимларнингдир ғавғоси,
Кимларнингдир даъвоси, кимларнингдир иғвоси,—
Ўткир чағир тош бўлиб тегмаса бошингизга,
Қалин ўсмалар қўйиб камалак қошингизга
Балки юрар эдингиз Ўзбекистон боғида,
Қариндошлар давраси, қизларнинг қучоғида.
Табиатда заррача диёнат бўлса агар,
Кўзлари кўр бўлмаса, қулоғи бўлмаса қар,
Сиздек мунис қизларнинг қалбларини тилмасди,
Момолар тупроғига зор-интизор қилмасди.
Ойнинг ўн беши хира, ўн беши ёруғ доим,
Эзгу умидларингиз ушалгайдир, илойим.
Нураётир бирма-бир ўртадаги деворлар,
Тирнаётир юзини бузғунчилар, беорлар.
Сингилгинам, Сиз учун гуллар териб бўстонда,
Тез кунда кўришгаймиз азиз Ўзбекистонда.

Ж А В О Б

Уруш йиллари «Туркистон легиони»да хизмат қилган бир ватандошимиз билан Вашингтонда учрашдик. Сизни Ватанга хиёнат қилган дейишади, деган саволимизга у киши шундай жавоб берди:

Бир оёғим тўрдаю,
Гўрдадир бир оёғим.
Энди нима бўлади?
Худо билар буёғин.
Мендай кекса одамга
Елгон сўзлаш ўлимдир.
Елгон йиғлаш ўлимдир,
Елгон бўзлаш ўлимдир.

Фарёд уриб унсиз, жим,
Неча йиллар чидадим.
Ешим борди бир жойга,
Гунг туришдан йўқ фойда.

Бор гапни этай баён,
Ҳақиқат бўлсин аён.
Садо берар, албатта,
Бир кун одил диёнат.
Мен Ватанга ҳеч қачон
Қилмаганман хиёнат!

Сўғишда ҳам, ишда ҳам
Ватан меҳрин туйганман.
Ватаним деб куйманиб,
Ватаним деб, куйганман.

Умр бўйи халқимни —
Туркистонни суйганман...
Лекин мени Ватанда
«Ев!» деб эълон қилдилар.
«Йўлимизга тўғаноқ,
гов», деб эълон қилдилар.
Замона оғир эди,
Мен етим, сағир эдим...

Ҳа, отганни отганман,
Сотганларни сотганман!
Осганни осганим, рост.
Босганни босганим, рост.

Бироқ, Ватан олдида
Йўқдир зарра гуноҳим.
Ёлғиз виждон гувоҳим.
Ёлғиз имон гувоҳим...

* * *

Бу сўзларда қанча рости,
Қанча ёлғон, билмайман.
Бир сайёҳман, бундай ишга
Мен қозилик қилмайман.
Адо этдим мен бир оддий
Одамийлик қарзини.
Баҳолашар кўрган-билган
Ул ватандош арзини...

МУҲОЖИР БОБО ИЛТИЖОЛАРИ

...Қоча-қоча Жайхунга етдик. Олдинда қутурган дарё, орқада оловли ўқ. «Ё, Муҳаммад!» деб ўзимизни дарёга ташладик. Бешиклар оқди, чақалоқлар оқди, чоллар, кампирлар оқди... оқа-оқа суяга фарқ бўлди...

Қандай омон қолдим, билмайман. Омон қолмай ўлай ман...

(Муҳожир бобо ҳикоясидан)

Уттизинчи йилнинг қиши,
Жайхун бўйи қор эди.
Қор бетида қонли излар
қатор, шашқатор эди.
Ортимиздан аскарлар
беаёв ўқ узарди.
Жайхун ваҳший ўкириб,
қирғоққа қўл чўзарди.
Оч бўридай увиллаб
изилларди изғирин.
Ҳолдан тойган қочоқлар,
аранг суяб бир-бирин,—
Дажжол билан бетма-бет
турардилар соҳилда.
Ажал билан бетма-бет
турардилар соҳилда.
Сўниқ кўзлардан сўнгги
ёшлар оқа бошлади.
Кимдир: «Ё, раб!» деди-ю,

Узин сувга ташлади.
Бошқалар ҳам дарёга
ташландилар бирма-бир.
Эй, сен бевафо қисмат,
Эй, сен, бевафо тақдир!
Жайхун узра лопиллаб
оқаверди болалар.
Оқиб кетди оналар,
оқиб кетди ноалалар...

Дарёга отган болам-ов!
Дарёга ботган болам-ов!
Муздай сувда муз бўлиб,
музларда қотган болам-ов!
Сен оққунча, мен оқсам
бўлмасмиди болам-ов!
«Отам»лаб ортда қолсанг,
бўлмасмиди болам-ов!
Кечир болам, кечиргил,
бу нотавон отангни.
Ўз уйига сиғмаган
кўкси вайрон отангни.
Қабоғига, кўзига
музлар тўлган болам-ов!
Бевақт сўлган болам-ов!
Бевақт ўлган болам-ов!
Ота бўлмай кетай мен!
То абад қон ютай мен!
Жигаргўшам, дунёда
нетай энди нетай мен?!

Етиб келган аскарлар
сувга мамнун боқдилар.
Ўтин териб, соҳилда
катта гулхан ёқдилар.
Шу алфозда кечгача
ўтирдилар исиниб.
Дарёга тушганлар ҳам
дарёга кетди сингиб...

Билмам недир гуноҳим,
ёлғиз Жайхун гувоҳим.
Қандай чиқдим қирғоққа,
бир нотаниш қишлоққа,

қандай келдим, билмайман.
Шу-шу кулиб кулмайман.
Шу-шу ўлиб ўлмайман.
Шундан буён афтода,
Бахт қидириб пиёда,
Топай деб бир қўрғонни,
Чир айландим жаҳонни.
Қайга бормаи маҳзунман,
Кетолмайман Жайхундан...

Бойсан, дея қувдилар,
қочиби Жайхунга чўкдик.
Қулоқсан, деб қувдилар,
Қочиби, Жайхунга чўкдик.
Босмачи, деб қувдилар,
Жайхунга чўкдик яна.
Жайхун ҳам кафан бўлди,
ҳам тобут, ҳам хилхона...

Отганлар, отиб кетди.
Оққанлар, оқиб кетди.
Сотганлар, сотиб кетди.
Ёққанлар, ёқиб кетди.

Уйдан қувилганлар
хоину хиёнаткор.
Сотганлар, отганларга
ҳайкаллар қатор-қатор...
Соғ қолганлар хорижда
Ватанига интиқ-зор,
Қани инсоф, диёнат,
Эй сен, тақдири баттол?!

Болаларим, вақт келди,
тузатингиз хатони.
Сизу биз фарзандимиз
бир она, бир отанинг.
Жайхун бўйида ҳайкал
Қўйингиз қочоқларга.
Сувга чўккан оналар,
чоллар, чақалоқларга.
Бу ҳайкал таъзим қилиб
азиз ота маконга,
Тўёлмай боқиб турсин
Қадимий Туркистонга...

У К И Н Ч

*Ватандан қариндошимиз келганини эшитдим,
қушдай учиб Вашингтондан Нью Йоркка бордим.
Мен ўзбекча каломни соғинган эдим. Е алҳазар!
Ватандошим она тилимда гапиролмас экан...*

(Мунаввархоним ўкинчлари)

Нью Йоркка меҳмон кепти Ўзбекистондан!
Ақлу ҳушим йўқотиб мен зўр ҳаяжондан,
Акажоним, жон акам, деб ёнига учдим,
Бовурдошим қуёшим, деб тўёлмай қучдим!

Она юртим каломини соғингандим хўп!
Онажоним саломини соғингандим хўп!
Бу мусофир ўлкаларда она тилимда,
Бир сўз тинглаш соғинчлари ёниб дилимда,—
Сўйлай қолинг, акажон, деб боқдим жовдираб.
Акажоним...

Ўзга тилда сўз очди, ё раб!
Ҳаяжоним, севинчларим музга айланди,
Кўзим тинди, ёзим гўё кузга айланди.

Мен Ватанни кўрмаганман, кўролмаганман,
Бирор гапни ўзбекчалаб сўролмаганман,
Лекин ўзбек бўлганидан отам ва онам,
Меҳр билан она тилим ўргандим мен ҳам.

Аммо, нетай, бу атрофда йўқ суҳбатдошим,
Бегона эл, бегона тил — зирқирар бошим.
Бахтсизман деб юм-юм йиғлаб, ўкинар эдим,
Кимки келса суйкаланиб, юкинар эдим.
Мусофирлик, муҳожирлик ўртайди бағир,
Она тилин билмаслик...
Оҳ! Бундан-да оғир!..

НЬЮ ЙОРК ҚУЧАСИДА

Сиёсатлар тегди жонга,
сафсатадан дил зада.
Бугун ҳеч ким муҳтож эмас
ҳар хил «изм-пизм»га.

Лекин Нью Йорк кўчасида
мумкин экан дуч келмоқ
Биз етмиш йил ҳавас қилган
сирли «коммунизм»га..

ҒАРОЙИБ ЭҲТИРОМ

Ҳиндуларни неча йил
бўғизлашиб, сўйдилар.
Қолган-қутганларини
савадилар — қувдилар.
Тирик ҳинду қолмагач,
Эъозлашиб уларга
Капитоли¹ томига
улкан ҳайкал қўйдилар...

АМРИҚО ҚАРОҚЧИЛАРИ

(ҳазил)

Қароқчилар босиб кетган бу мамлакатни:
Йўлинг пойлаб турадилар ҳар бир қадамда.
Хаёлларинг орзиқади турфа ўйлардан
Қайда бўлсин ул зотларга дуч келган дамда.

Қароқчилар босиб кетган бу мамлакатни:
Ултиришар дўконларни тўлдириб-тўлиб.
Улар — урмас, сўкмас, аммо чўнтақларингни
Қоқлашади таъзим билан кулдириб-кулиб.

Қароқчилар босиб кетган бу мамлакатни:
Бир гап бўлса чопқиллашиб ёнинг олурлар...
Меҳрмикин, сеҳрми ё, яхши сўз билан
Молинг надир, ҳатто ширин жонинг олурлар...

¹ Капитоли — Вашингтонда, Оқ уй яқинидаги АҚШ конгресс биноси. Ана шу бино томига ҳиндуларга ҳайкал ўрнатилган.

Т У Й

(бир ватандош ҳикояси)

Ажаб-ажаб ишлар кўпдир бу мамлакатда,
Кўрган маҳал гоҳ куласиз, гоҳо куясиз.
Баъзан кўнгил сеҳрланур ҳавас, ҳайрат-ла,
Баъзан дилда хўп ғалати ҳислар туясиз.

Яқинда денг, бир оғайним туширди келин,
Бир тўй бўлди, эртақда йўқ гўзал тантана.
Тантанадан икки кун ҳам ўтмасдан лекин.
Ўша дўстим тўйга чорлов йўллади яна.

Гуноҳ эрур айтган жойдан қолмоқ ҳамиша,
Тўйхонага кирган чоғи бўлиб қолдик лол:
Келин — ўша, куёв — ўша, меҳмонлар — ўша,
Аввалги тўй — аввалгидек этарди такрор.

Бу ёқларда беҳудага йўталмас биров,
Роса ҳисоб-китоблидир ҳар сўм, ҳар чақа,
Дабдабанинг сабабини англолмай дарров,
Ҳайрон қолган меҳмонлар денг, ушларди ёқа.

Биринчи гал тантана зўр ўтган-у, бироқ,
Сал хирароқ чиққан экан унинг киноси.
Шунда экан иккинчи бор тўйни тўйламоқ,
Шунда экан дабдабанинг мақсад-маъноси.

Ажаб-ажаб ишлар кўпдир бу мамлакатда.
Баъзилар бор миллионни тикар қиморга.
Лекин ажал жонни сўраб турган бир пайтда,
Бир чақани раво кўрмас шўрлик беморга.

Бор зарини қуролларга сарфлар баъзилар,
Баъзилари кеча-кундуз жанжални ўйлар.
Шундай экан, ўн мартаба бўлса ҳам агар,
Тўйлар бўлсин, тўй кўпайсин, кўпайсин тўйлар.

Нью Йорк — Вашингтон.
1991 й.

IV. ТАНГРИТОҒ САДОЛАРИ

ЕЛҚИНТОҒ УТИНЧЛАРИ

*Шарқий Туркистонда мудраб ётган аждардек
маҳобатли бир тоғ бор. Қадимда сайроқи қушлар,
кўм-кўк гиёҳлар, бесаноқ ирмоқлару кўллари бўл-
ган бу тоғ бугун гиёҳ битмас саҳродек сап-сарик.
Елқинтоғ дейдилар уни.*

Улуғ тоғлар султони эдим,
Тоғлар ичра достони эдим,
Минг-минг жонлар қўрғони эдим,
Нетай, тақдир тавбаларим ижобатга олмади.
Султонлигим, дostonлигим қўрғонлигим қолмади.

Тиниқ чашма, булоқларим йўқ,
Булбулларим, чорлоқларим йўқ,
Ўтлоқларим, ирмоқларим йўқ,
Олқорларим сапчиб-сакраб ўзга тоққа ўтдилар,
Қоплонларим, сиртлонларим — бари ташлаб
кетдилар.

Қуш қўнмас саҳрою кабирман,
Гул унмас куюк тош-қабрман,
Адомат бу оғир жабрдан,
Тулкиларим, бўриларим, қуёнларим, қайдасиз?
Какликларим, илонларим, чаёнларим қайдасиз?

Бир томчини кўрмайин раво,
Четлаб ўтар булутлар ҳатто,
Бу не қарғиш, бу қандай жазо? —
Тўзонларим, тўфонларим, тилагингиз айтингиз,
Шамолларим, бўронларим, раҳм қилинг, қайтингиз.

Тушларимда номсиз гувоҳлар,
Жинлар изғир, изғир арвоҳлар,
Қулоқларим ёрар оҳ-воҳлар, —
Қуёш санчар кўзларимга беаёв тиғу тикан,
Қартайганда ёлғизликдан мудҳиш азоб йўқ экан.

Шодон кунлар елдек ўтдилар,
Нақ қутурган селдек ўтдилар,
Бир номозшом гулудек ўтдилар,
Мен уларнинг қадрига етолмадим хуш дамлар,
Вужудимга уя қурди пушаймону аламлар.

Оҳ! Тоғ эмас, пастак қир бўлай,
Қир ҳам эмас, майли ер бўлай,
Ерда титраб ётган нур бўлай,
Фақат қоқтош саҳроликдан ўзинг асра, худойим.
Тоғу қоқтош саҳроликдан ўзинг асра, илойим.

Улуғ тоғлар султони эдим,
Тоғлар ичра достони эдим,
Минг-минг жонлар қўрғони эдим,
Нетай, тақдир тавбаларим ижобатга олмади,
Султонлигим, дostonлигим, қўрғонлигим қолмади...

МИНГ УЙДА

*Минг уй харобалари деворларида бундан икки
минг йил аввал чизилган расмлар сақланиб қол-
ган.*

Кўҳна кулбаларнинг деворларида,
Ажиб мўъжизалар, ажиб ҳайратлар.
Ҳазин эртақ сўйлар минг йил наридан
Минг йиллар бурунги рангин сувратлар.

Жовдираб термулар итоаткор қул,
Шоҳлар нигоҳида шоҳона шиддат.
Сулув малакларнинг қучоғида гул,
Бир ён муҳаббату бир ёнда нафрат!

Паҳлавон бандига ўқталур шамшир
Кўзлари қонталаш мўйловдор жаллод.
Онанинг вужуди титрайди дир-дир,
Ер ўпиб, тождордан кутади имдод.

Асли кўп ғалатдир дунёнинг иши,
Азалдан ёндошдир савоб ва гуноҳ.
Қаранг, қолмагандек ўзга юмуши
Тортиша кетдилар бир тўда саёҳ.

— Расмлар бизларга ўхшайди жуда,
Минг уйда яшаган бизнинг авлодлар!
— Тахмин, гумонларинг бекор, беҳуда,
Шоҳзода ўтишган бизнинг аждодлар!

— Йўқ! Биз яратганмиз қалъа, қўрғонни!
Сувратлар эгаси бизнинг боболар.

— Биродар, қўйсанг-чи шовқин-суронни
...Аммо, ён бермасди ҳеч бир даъвогар.

Фақат дуо ўқиб кекса уйғур чол,
Таъзим бажо этди мусаввирларга.
Сўнгра қараб қолди сурганча хаёл
Ҳовлиқма, жанжалкаш мусофирларга.

Узининг муборак ҳаёт йўлида
Бундай талошлардан тўйган эди у.
Дуо қилган чоғи ушбу беҳуда
Баҳсга нуқтани қўйган эди у.

ДАҲМА ҚОШИДАГИ УЙЛАР

*Турфондаги тарих музейида бундан 1300 йил бу-
рун оламдан ўтган аёл жасади сақланмоқда.*

Ярқираган ойна даҳмада
Киприк қоқмай, сургандек хаёл,
Роҳат олиб оби Кавсарда
Ухлаётган париваш мисол,

Катта-кичик ташвишдан йироқ,
Ғийбат, игво, миш-мишдан йироқ,
Шону шуҳрат, олқишдан йироқ,
Ухлаб ётур сулув бир аёл.

Қолса ҳамки тупроқ остида,
Ўтса ҳамки неча минг замон,
Мўъжизалар қанотларида
Етиб келган бизгача омон.

Ҳеч ким билмас унинг исмини,
Ноаёндир наслу насаби.
Маликами ё бир Ёсуман,
Номаълумдир касбу мансаби.

Муаррихлар мозийни титиб,
Хўп ўрганиб, шундай демишлар:
Аёл қавми «Тонг» деб аталмиш
Бир даврда ўтган эмишлар.

Бу балки чин, балки тахминдир,
Нелар йўқдир сайёрамизда.

Биров топар, йўқотар биров,
Шундоқ — банду овворамиз-да...

Марҳума ҳам ҳаётлигида
Нималарга бўлмаган гувоҳ!
Бугун эса унинг хокдони
Одамларга зўр томошагоҳ!

Ким музейга ташриф буюрса,
Боқмай ўтмас марҳум аёлга.
Биров аста бурнин жийирса,
Бошқа бири чўмар хаёлга.

Бир тўп ўсмир лавҳ атрофида
Ҳингир-ҳингир кулишар эди.
Қизалоқлар уялгансимон
Юзин четга буришар эди.

Кўзойнакли ажнабий чоллар
Дуч келгандек Момо ҳавога,
Лавҳ ёнида михланган куйи
Куч йиғади янги даъвога.

Бу ҳолатга боқиб ногаҳон
Изғиринда қолгандек япроқ,
Вужудингни қоплар ҳаяжон,
Юрагингни эзар бир титроқ.

Кетар бўлсанг рўзи маҳшарга
Ҳеч ким қабринг ўймасин экан.
Жасадингни томошагоҳга
Айлантириб қўймасин экан...

ИДИҚУТ

*Еғийлар бу кўҳна шаҳарни босиб олганда бирон-
та кулбани ҳам омон қолдиришмаган.*

Бу шаҳарнинг қушлари йўқ, булбуллари йўқ,
Райҳонлари, жамбиллари, сумбуллари йўқ.

На бир кулба, на бирон уй, на бирон чироқ,
Илонпўстдек сўқмоқлари кимсасиз, яйдоқ.

Тепкиланган вайроналар мунгли боқади,
Кўчаларда сарғиш сароб селдек оқади.

Деворларда вишиллайдн аждар мисоли,
Қанотлари тутаб куйган Турфон шамоли.

Наъра тортар лаблари қон бўғиқ сукунат,
Чўлдай узун, саҳродан-да чўзиқ сукунат.

Гоҳ дод солар, гоҳ қаршингда тош қотади у,
Гоҳ кўзингга ғазаб билан тош отади у.

Юмар бўлсанг киприкларинг арвоҳлар, жинлар,
Юзларингни тимдалайди ва аллакимлар,—

Чирқирашиб, тармашади этакларингга,
Чумолилар ғужғон ўйнар муздай танингда

Чор тарафда ўлжа излаб кезар дарбадар
Каваклардан ирғиб чиққан калтакесаклар.

Дўнгалакда юмронқозиқ очкўз бўридек
Қаҳр билан кўзларингга боқар типпа-тик.

Вужудингни боса бошлар васваса, титроқ,
Қочай десанг, оёғингни куйдирар тупроқ.

Йўлларингни шартта тўсиб, бақирар беун
Бетларида қора қони қотиб қолган тун.

Юзларингга чиппа-чиппа ёпишиб олар,
Ургимчакнинг уясидай сонсиз шарпалар.

Қулоғингни ёргудайин чинқирар бойқуш,
Теваракда алвастилар ингранар нохуш.

Нидо келар еру кўкни титратиб шу дам
Қудуқдан-да чуқур, ўлик оқшом қаъридан:

— Бу шаҳарда алам-ла қон йиғлаб ётирлар,
Ёв босганда бир-бирини сотган ботирлар.

Йигитлари бир-бирини қўлласайди гар,
Озод, обод турар эди бу улуғ шаҳар.

Юртни ташлаб қочмаганда юртбошилари,
Остонада қон қусарди душманнинг бари.

Бирон нокас бирон гулни узолмас эди,
Ерга отиб, товонида эзолмас эди.

Мункиллаган Боботарих ҳикмати булдир:
Бир-бирига эл бўлмас эл қисмати шулдир...

УЙҒУР БОБОНИНГ ТЕНГҚУР ЧОЛЛАРГА ДЕГАНИ

Мана, ёшимиз ҳам борди бир жойга,
Бир оёқ тўрда-ю, бири гўрдадир.
Дунё деб аталмиш карвонсаройда
Гоҳ хўрлаб, гоҳо хўп сийлади тақдир.

Неларни кўрмадик ҳаётимизда,
Гуноҳ ҳам савоб ҳам қилдик бегумон.
Бу кун набиралар қанотимизда,
Улар бахтли бўлсин, бўлсин шодумон.

Аммо ҳали-ҳануз баъзи бирингиз
Қайда иғво бўлса, шу ерда борсиз.
Фасодга тўладир борган ерингиз,
Тухматга ҳамдарду ғийбатга зорсиз.

Каноат ўрнига қабоҳат тилаб
Мурғак юракларга шайтон жойлайсиз.
Сирот кўпригида туриб ҳам, ё раб,
Чалай деб кимнингдир йўлин пойлайсиз.

Айтинг, шуми инсоф, диёнатми бу?
Келажак олдида хиёнат-ку бу!

Майли, мингга киринг, азизлар, аммо
Бобо бўлишнинг ҳам бурчи бор ахир!
Энди хато қилманг, эндиги хато
Азроил, Жаброил жабридан оғир.

ДУСТИМ ЕСУННИНГ ҚУЛОҒИМГА ДЕГАНИ

О! Мен қайга боролай,
Бўйним қил-ла бойлоғлиқ.
Босган ҳар бир қадамим
Минг кўз ила пойлоғлиқ!

МУҚИМИЙНИНГ ДЕГАНИ

Дарозларни дароз, дерлар
Хўрозларни хўроз, дерлар.
Беор, беюз кимсаларни
Фарғонада мараз, дерлар.

V. УҚАМНИНГ МАСЛАҲАТЛАРИ

УРМОНДАГИ ҲАНГОМА

Тулкибой чирқиратиб
Судраб келди қуёни.
— Бўри ака! Жон ака
Йўқотинг бу ҳайвонни!
Битта жўжа қолмапти
Шундай катта Хумсонда.
Тагин сенлар еган деб...
— Қуёнча, кў-ўп шумсан-да.
Айтчи шунча товуқни
Еганмисан?
— Мем-мем-ме!..
— Бизничи, бизни ўғри
Деганмисан?
— Мем-мем-ме!..
— Гулдирама, бас, етар!
Бу номеринг ўтмайди.
Қуёнча жон ҳолатда
Тинмасдан «мем-мем»лайди.
Оғзин очиб, типирлаб
Силкитади қўлини.
Тулки узиб олганди
Бечоранинг тилини.
Гуноҳкорни кулликлаб
Жўнатишди Шерхонга.
Сўнг икковлон тонггача
Базм қилишди ўрмонда.

УРТАЛИК

Ҳар кимда бор ҳар хил одат,
Ҳар ким севар ҳар хил жойни,

Дейлик, гулга ўчдир Роҳат,
Илҳом суяр чопқир тойни.

Синфдошим Камол доим
Саф бошида турсам, дейди.
Аброр эса соядай жим,
Орқароқда юрсам, дейди.

Барно бўлса...
Калла бўм-бўм.
Аммо ўзин чоғлар доно.
Гаплари-ей...
Қистар кулгинг.
Сайра Барно,
Сайра Барно!

Мен буларнинг ҳеч бирига
Қўшилмасам, дейман, доим.
Юрсам дейман ўртароқда,
Урталикдир севган жойим.

Сал олдинга ўтиб қолсам,
Секинлайман ўша заҳот.
Орқароқда қолиб кетсам,
Шоша-пиша қичайман от.

Урталикда ҳикмат кўп-да,
Урталик — бу темир қўрғон.
Шу қўрғонда маҳкам турсанг,
Панд беролмас ҳеч бир инсон.

Олдиндан тош отса биров,
Яширинасан бунисига.
Ёпирилса ортингдан ёв.
Яширинасан унисига.

Дарс чоғи ҳам
Роҳатдасан
Муаллимлар кўришмайди.
Бўлар-бўлмас гаплар билан
Қизартириб, уришмайди.

Қанча койиш лозим бўлса,
Койишади қолоқларни,

Сен илжайиб мийиғингда.
Беркитасан қулоқларни.

Чоп-чоп бўлса, машғаллар бор.
Улар тайёр ҳамма ишга.
Ҳеч ким сенга бермас озор,
Сен ўхшайсан эркин қушга.

Ҳеч ким сени кўрмас ёмон,
Бундан зиёд роҳат қайда?
Омон бўлсин темир кўрғон,
Жой излагин ўрта жойдан!

Аmmo бизнинг кўрғонни ҳам,
«Лекин»лари бордир, жўра.
Ғанимларинг бўлмагандай,
Дўстларинг ҳам бўлмас сира.

Баъзан қисар омбур мисол,
Икки ёқдан икки тўлқин.
Ғинг дейишга етмас мажол,
Бирортага ғинг деб кўргин...

Ким тингларкан сўзларингни?
Боқармикан биров қиё?
Шундай пайтда кўзларинга
Тор кўринар бутун дунё.

Мақтов, олқиш деганларнинг
Сенинг билан бўлмас иши.
Тирикмисан, бормисан, деб
Сўрамайди бирон киши.

Ҳа, шарпадек бесас юриш
Тегиб кетар баъзан жонга...
Ўрталикда юрмоқни ҳам
Чиқаргандир чидаганга!..

* * *

Очиғини айтсам, жўра,
Ўрталикда юрма сира.
Байроқ қилиб қунт, саботни,
Қамчилагин доим отни.
Элда шундай ҳикмат бордир:
Интилганга толе ёрдир...

МИШ-МИШВОЙ

Бирдан ранжиди
Дўстидан Ҳалим:
— Эҳ, буни сендан
Кутмовдим, Салим.
Уртоқ деб юрсам...
— Ҳа, нима бўлди?
— Яна «ҳа» эмиш...—
Ҳалим хўмрайди.
— Орқангдан гап-сўз
Қилмас мард киши.
Биласанми, бу...
Номарднинг иши!
Беғуноҳ Салим
Серрайиб қолди.
Мияси ғовлаб
Ҳаёлга толди.
Бир неча йиллик
Икки қадрдон
Гаплашмай қўйди
Ўшандан буён.
Дўстларнинг бари
Бу ҳолдан ҳайрон.
Фақат бир соя
Пиқирлар шодон.
Миш-мишвой эди
Соянинг исми.
Шов-шуви бору
Йўқ эди жисми.

* * *

Синфга кириб
Мираҳмад митти,
Норқул давангга
Дўқ ура кетди:
— Бўйинг терагу
Қовоқ калласан,
Картошка бурун,
Сариқ, малласан!
Норқулнинг ранги
Бўзариб кетди.

— Тентак-пентак бўп
Қолдингми, Митти?!
Мен нима қипман,
Айт-да, калтача?!
— Сенинг қовоғинг
Айрон халтача!
Билиб қўй, сендан
Қўрқмайман асло.
Энди ёрдам ҳам
Бермайман аммо.
— Ердamingни-чи,
Пишириб егин!
Мен нима қипман,
Ростини дегин?
— Ёрдам беради
Қўрққандан депсан.
— Учиб кетасан
Боплаб бир тепсам!
Яхшики, Норни
Ушлашди аранг,
Йўқса бўларди
Жуда хунук жанг.
Дўстларнинг бари
Бу ҳолдан ҳайрон.
Фақат бир соя
Пиқирлар шодон.
Миш-мишвой эди
Соянинг исми.
Шов-шуви бору
Йўқ эди жисми.

Бошқа синфда
Худди шу маҳал
Қизиб кетганди
Муштлашув, жанжал,
«Жанг»га кирганди
Барча ўғил-қиз,
Китоб-дафтарлар
Учарди ғиз-ғиз.
Парта, девор, пол
Бу ҳолдан ҳайрон.
Фақат бир соя
Пиқирлар шодон.
Миш-мишвой эди
Соянинг исми.

Шов-шуви бору
Иўқ эди жисми.

Энди келамиз
Шу саволга дуч:
— Кимдир бу соя,
Бу даҳшатли куч?
Нега у дўстни
Дўстига қайрар?
Ярамас ишдан
Пиқирлар, яйрар?
Хўш, кимдир ўша —
Ҳар ишга қодир?
Ростин айтсам у
Сен,
Мен,
Ҳаммадир!
Чунки, гоҳ билиб,
Билмайин гоҳо
Кимни кимгадир
Тезлаймиз роса.
Бўлгани каби
Тома-тома кўл,
Миш-миш туғилар
Шу тарзда мўл-мўл.
Миш-мишвой бўлгач,
Айтган сўзимиз.
Ёқа ушлаймиз
Баъзан ўзимиз.

* * *

— Миш-мишвой яна
Туғилар қайда?
— Ҳурмат ва ишонч
Иўқолган жойда.
Кимки шубҳага
Берилар экан,
Миш-мишвой унга
Санчади тикан.
Дўстлар!
Шу сабаб
Юрак соф бўлсин!

Ишонч ва дўстлик
Билан дил тўлсин.

СУФЛЁР

— Дўстлар!— деди бир куни
Синфдоши Нафиса,—
— Байрам куни мактабда
Кўймаймизми пьеса?
Маъқул тушди барчага
Нафисанинг сўзлари,
Қизиқ пьеса топишди
Болаларнинг ўзлари.
Бирини тулки, бирини от,
Яна бирини бўлди чол.
Хуллас, тақсим қилинди
Пьесадаги ҳамма роль.
— Яна битта роль қолди,—
Деди шунда муаллим.
— Саҳнада ўз сўзидан
Адашгудек бўлса ким,
Унга парда ортидан
Холис ёрдам берувчи,
Билмай қолган сўзини
Секин айтиб турувчи
Суфлёр керакдир яна.
«Ким бунга мос экан-а?»—
Дегандек синф жим қолди.
Сўнг Нортожи сўз олди:
— Катта тажрибаси бор,
Бу соҳада Ҳақимнинг.
Суфлёр бўлса агар у
Қизартмасди ҳеч кимни.
Бирдан кулги қоплади
Синфни шу дамдаёқ.
Девор қулаб тушгудай,
Титраб кетди ҳаммаёқ.
Энг олдинги партада
Утирувчи Ҳақимбек,
Бу ролга мос эди-да,
Худди қуйиб қўйгандек.
Ким доскада жим қолса,
У ёрдамга чўзиб қўл
Ҳар қандай вазиятда,

Топарди «ёрдамга» йўл.
Муаллим ҳам Ҳакимнинг
Бу ишини биларди.
Ҳозир унга қарамай
Мийиғида куларди.
Ҳакимжоннинг юзлари
Бўлиб кетди нақ олу.
На «йўқ», дея олди у,
На «ҳа» дея олди у...

М А Ж Л И С

Уч соатки, куйиб-пишар
синфбоши.
Уч соатки, муҳим мажлис
этар давом.
Уч соатки, фаолларнинг
қотган боши:
— Синфда на тартиб қолди,
на интизом.
— Тошбақадай судралади
писмиқ Ҳамдам.
— Шоалим-чи, нима қилса
ярми чала.
— Танобини тортиш керак
қизларнинг ҳам.
Эчкилардай чопишмасин
гала-гала.
— Узоқни-ку пўстагини
қоқиш керак.
Куни кеча яна дарсдан
қуён бўлди.
— Қўй ўшани, узун терак
ичи ковак.
Умр бўйи синфга дум,
зиён бўлди.
...Қизигандан-қизийверди
мунозара.
Ҳар тарафдан тош ёғилди
қолоқларга.
«Кўриш керак ҳаммасига
дарҳол чора!»
Товоқ бошлар қиёсланди
қовоқларга.

Ҳар ким ҳа деб такрорларди
битта сўзни.
Лекин таклиф киритмади
биттаси ҳам.
Балки Узоқ бошқаролмас
ўз-ўзини,
Шоалимга жуда шартдир
кўмак, ёрдам.
Қўллар толди тошлар отиб
қолоқларга,
Қорин оч, гап кирмай
қўйди қулоқларга.
Синфбоши салмоқ билан
деди охир:
— Бу масала жуда муҳим,
жуда оғир.
Чарчаб кетдик, ўйлайвериб,
сўзлайвериб.
Қасалларга дори-дармон
излайвериб.
Баҳсимизга қўёлмаймиз
лекин нуқта,
Уйлашайлик, ишларимиз
бўлсин пухта.
Бирга бўлсак ечилади
барча тутгун,
Кўп бебаҳо гаплар бўлди
мана бугун.
Эрта-индин бу йиғилиш
этар давом,
Ҳаммангизга катта раҳмат,
мажлис тамом.

МЕН ҒИЙБАТЧИ ЭМАСМАН

Мен ғийбатчи эмасман,
Ғийбатга йўқ тоқатим.
Жаҳлим чиқиб кетади
Вижи-вижи қилса ким.
Лекин баъзилар борки,
Нақ ғийбатнинг уяси.
Бир-бирига сездирмай
Суртар қора куяни.
Шуларнинг бири Фулом,

Билгани гиди-биди.
«Фалончи ғирт тўпори,
Тирноқчаям йўқ диди.
Пистончи-чи, пистончи?
Қизғанчиқлар пошшоси...»
Асли ўша пистончи
Фуломбойнинг ошноси.
Туя борку, (Норим-дал)
Ундан бешбаттар ёмон.
Битта гапни эшитса
Радиодай шу замон,
Чўзиб чўзғилаб роса
Элга қилар овоза.
Ғийбат демангу, аммо
Оғзи ҳам бедарвоза.
Сўзларида на туз бор,
На мантиқ бор, на маъно.
Ундан юз марта афзал
«Сўнгги ахборот»— Доно.
Доно мудом энг сўнгги
Янгиликларнинг кони.
Лекин айтган гапининг
Чинидан кўп ёлғони.
Гоҳо шуларни ўйлаб
Бошим роса қотади.
Нега қалин дўстлар ҳам
Бир-бирини сотади?
Холдан азиз дўстим йўқ
Бу каттакон шаҳарда.
Шундай дўстим мени хўп
Ёмонлабди ҳашарда.
Ахир ўзи-чи ўзи!
Биров билан иши йўқ.
Вазифани кўчиртир,
Десанг шунга хуши йўқ.
Дафтарини яшириб,
Тумшаяди, вой бахил!
Бир минут бериб турса
Еб қўймайман-ку, ахир!
Синфимизда яна бир
Қодир деган бола бор.
У ҳам учига чиққан
«Деди»чи-ю, ифвогар.
Яхши кўрар кимни ким,
Ким кимни кўрар ёмон.

Нега соқов, нега жим
Ойгул олдида Омон,—
Қодирвойга бу сирлар
Беш панжадай аёнмиш.
Шу сабабдан ҳар куни
Тарқатар ҳар хил миш-миш.
Энди қизлар ҳақида
Гапириш ҳам шартмасдир.
Эртаю кеч уларнинг
Билгани пичир-пичир...
Хулласки, синфимизда
Ҳамма ғийбатнинг қули.
Ҳечам тополмаяпмиз
Ундан қутулиш йўли.
Тугамайди ҳеч қачон
Уруш, жанжал-ғурбатлар.
Тугатилмаса агар
Ғийбатчилар, ғийбатлар.
Мен ғийбатчи эмасман...

ҚАРОРИМ

Отам, онам колхозчи,
Етти ака-укамиз.
Дардан кейин ҳаммамиз
Далада тер тўкамиз.

Топганимиз рўзғорга
Аранг етар, начора.
Ночорликдан ёш тўкар
Баъзан онам бечора.

«Эй, худойим, болаларим
Пешонасин тор қилма.
Уларга бахт ато қилгин,
Биздай қашшоқ, хор қилма...»

Ҳамсоямиз Сарварлар ҳам
Биздай кўпчил — ўн киши.
Лекин пахта-махта билан
Ҳеч бирининг йўқ иши.

Бари бекор, ўйнаб юрар,
Чиқмас ғўза чопгани.

Ҳаммасига етиб ортар
Отасининг топгани.

Сарвар қачон, нима деса
Олиб берар шу онда.
Бувижоним айтганидай
Гап кўп экан дўконда...
Велосипед учир доим
Сарвар фасон — мирқуруқ,
Волосипед тугул менда
Оддий резин копток йўқ.

Нарху наво ошиб ҳамма
Кимларнидир койиди.
Сарварлар-чи, уч-тўрт кунда
Бойигандан-бойиди.

Мотори бор велосипед
Миниб олди Сарварбой.
Бизнинг уйда ўша-ўша:
Иш, ишдан сўнг совуқ чой...

Мен ўзимни ичи қора,
Худбин бола демасман.
Лекин бундай тенгсизликка
Сира рози эмасман.

Ўйлаб-ўйлаб мен ҳам охир
Топдим бир зўр имконни.
Катта бўлсам бир амаллаб
Эгаллайман дўконни.

Нарху наво бир ўзгарса
Ниятимга етаман.
Бир кечада Сарварлардек
Роса бойиб кетаман...

1989 й.

ҲИЙЛА

Айёрлигу фирромлик
Қаердан бўлар пайдо?
Хушомад деган шайтон
Кимларни қилар шайдо?

Жуда кўпдир бу ҳақда
Ривоят ақида.
Бу шеър ҳам шунга яқин
Бир воқеа ҳақида.

* * *

Шодмонжоннинг дадаси
Ишдан келиб мақтанди:
— Шу бизларнинг хўжайин
Кўп ажойиб, кўп танти.
Қабулига бир кирсанг,
Йўқотасан ўзингни.
Лекин икки қилмайди
Каминанинг сўзини.
Ойиси шўх жилмайди:
— Адажони, шайтонсиз,
Сизда доим «гатоп»да
«Сизу бизу», «жизу биз»

Дадажони керилиб
Чойдан хўплай бошлади.
Бирдан Шодмонга қараб
Чаккасини қашлади:

— Уғлим, қани, сен айт-чи,
Энг кучли нарса нима?
Шодмон бир оз ўйланиб
Деди:
— Реактив кема.
— Нима?
Кема? Ва-ҳа-ҳе!
Дадаси роса кулди.
Ойиси хиёл ранжиб
Кулгини аста бўлди:
— Адажони, қўйинг-ге...
Тойчоғим ёш-да ҳали.
Дада жилмайиб деди:
— Уғлим, каллангга балли!
Тўғрисиям, сен айтган
Кеманинг кучи катта.
Аммо ундан ҳам зўрроқ
Бошқа куч бор ҳаётда.
Буни билиш, ўрганиш,
Амалда қўллаш керак.

Муомала!

Во! Уни —

Билмаган кимса —

«дурак!»

Баъзиларнинг гап-сўзи

Сира турмас куракда.

Яна «патхалимсан» деб,

Тиржаяди —

«дурак»да!

Сенга айтсам, дунёда

Энг зўр нарса —

хушомад!

Хушомадни қотирсанг,

Ишларинг беш — қиёмат.

— Ҳай, намунча,

Боланинг

Қотирасиз бошини.

— Топиб есин дейман-да,

Каттарса ўз ошини.

— Бир гап бўлар...

— Ҳа, майли.

Хўш, ўқишлар қанақа?

— Расмдан «тўрт», матемдан...

Кеча...

анов...

анақа...

Даданинг жаҳли чиқди.

— Энди бас қил ўйинни.

Математикадан «беш»

Олиш шунча қийинми?

Кучинг етмаган жойда,

Бошқадан ёрдам сўра.

Бу аҳволда, ҳадемай,

Ўришиб қоламиз, жўра!

Шодмоннинг боши қотди

Оғир хаёлга ботди.

Боши ари инидай

Ғувилларди шу тобда.

Кучи етмайдиган жой

Кўп эди-да китобда.

Охири уйқу босиб,

Оғзин очиб эснади.

Тўсатдан дадасининг

Сўзларини эслади.
«Сенга айтсам, дунёда
Энг зўр нарса — хушомад.
Хушомадни қотирсанг,
Ишларинг беш — қиёмат!»
Уйқу ўчди.
Боланинг
Ҳаловати бузилди.
Қизиқ-қизиқ режалар
Хаёлида тизилди:
«Алишер билимдону,
Оғзида гап турмайди.
Қосим жуда катта занг,
Шер матанчоқ, бўлмайди.
Расул,
Боқи,
Ҳикоят...

Топдим!
Энг зўри Фани!
Аълочи, ювош, яна
«Морожне» жону тани.
Энди «икки» деганинг
Қуритаман шўрини.
Қалаштириб ташлайман
Баҳоларнинг зўрини!»

* * *

Эртаси эркаланиб
Ойисидан пул олди.
Дарсдан кейин Фанининг
Юрагига қўл солди:
— Кунни қара, тандир-е,
Ендиргудай шашти бор.
Лекин сенга қойилман,
Ҳеч қилмайсан эътибор.
Ироданг ҳам темиров...
Чарчаш нима — билмайди.
Фанижон сал довдираб,
Сал хавфсираб жилмайди.
«Хушомадни» завқ билан
Давом эттирди Шодмон:
— «Морожне»га бир тўйсак,
Нима дединг, жўражон?
Фани лабин ялади:

— Аттанг, пулим йўқ эди...
Шодмон керилиб:
— Мана,
Менда бор, кетдик! — деди.
Музқаймоқни егани
Утирдилар икковлон.
Бу хушомад, сийловдан,
Ғанижон буткул ҳайрон.
У ширин музқаймоқни
Уриб қўйди бир пасда,
Шундан кейин Шодмонбой
Мақсадга кўчди аста:
— Тўғрисини айтганда
Жуда зўр боласан-да.
Дарслардан қандай қилиб
Доим «беш» оласан-а?

Мен китобни ушласам,
Дарров уйқу босади.
Яна бир «икки» олсам
Адам-чи, нақ осади.
Ғанижон қўрқиб кетди
Шодмоннинг гапларидан.
— Уй ишини кўчирсам
Дегандим дафтарингдан...
«Йўқ» демоққа, негадир,
Ғанининг бормас тили.
Бир ғалати аҳволда
Портфелни титар қўли.

Еган оғиз уялар,
Хушомад зўр шайтондир.
Масаланинг бу ёғи
Узингизга аёндыр...

* * *

Ким дуч келса ғирромга
Ғазабдан бўғилади
— Хушомадгўй, айёрлар
Қай гўрдан туғилади?!
Шундай одил сўроқни
Эшитганмиз кўп жойда.
Хўш, айтинг-чи, ундайлар
Қаердан бўлар пайдо?..

УКАМНИНГ МАСЛАҲАТЛАРИ

I

Раис бўлай десангиз, ака,
Узингизни қийнаманг сира.
Сайлашмайди, ўтолмайман, деб
Дилингизни қилманг кўп хира.

Молни сотинг, бузоқни сотинг,
Қўйни, эчки-улоқни сотинг.
Сотинг уйда нимаки бўлса,
Сотинг, қозон-товоқни сотинг.

Сотиб бўлиб, пулни тугинг-да,
Каттаконнинг олдига боринг.
Иккиланиб ,довдираб турмай
Дадил-дадил кўнгилни ёринг.

Ҳа, айтмоқчи, ўша Каттани
танийсизми?
Танимайман, денг.
Ҳечқиси йўқ, бунақа пайтда
Топилади албатта бир «енг».

«Енг» деганим даллолдай бир гап,
Тугунчани берасиз унга.
Мақсадга тез етай, десангиз
Катта совға берарсиз «Енг»га.

Қарабсизки, ҳаш-паш дегунча,
Мансабдорсиз — ишингиз аъло!
Лекин Катта Сизни таниса,
«Енг»га яқин йўламанг асло.

Каттаконлар муҳтож бўлмайди
Мушук-сичқон каби ўйинга.
Хуллас, аста олдига кириб,
Тугунчани секин қўйинг-да,
Қанчалигин шивирлаб қўйиб,
Шартта-шартта мақсадга ўтинг.

Сўнгра уйингизга келинг-да,
Бир ҳафтача чиданг ва кутинг.
Шу вақтда ҳеч гап бўлмаса,

Тугундаги кам, яна топинг.
Таниш-билишлардан йиғинг-да,
Каттаконнинг олдига чопинг.
Шаҳардаги дўстларингизга
Илтимослар қилманг — бефойда.
Ҳамма Катталарнинг тили бир —
Сизга керак калит шу жойда.

— Вой билагон, сен жиннивойни,
Лақиллатган ким, қайси жўранг,
— Жиннисан денг, унда Олимнинг
Отасидан ўзингиз сўранг.

У киши-чи, қанча чопса ҳам,
Хей, сен кимсан, демабди биров.
Ҳалигидай қилганидан сўнг
Бошлиқ бўлиб қолибди дарров.
Ака, ғамингизни ейман-да,
Сиз ҳам Катта бўлинг, дейман-да...

II

Ака, ака, эшитдим,
Ёмон экан ишингиз.
Ишхонада йўқ экан
Бирон яқин кишингиз.

Касбдош — дўстларингиз
Қўйган эмиш яккалаб.
Ким дуч келса чўқирмиш
Сизни худди ҳақкадай.

Утирганда ўпоғу
Турганда сўпоқмишсиз.
Ғийбатчию жанжалкаш,
Чатоқдан чатоқмишсиз.

Ака, ёлғиз уларга
Келолмайсиз сира бас.
Бугун-эрта ишдан ҳам
Қувилсангиз ажабмас...

Тўғриман деб, ҳақман деб,
Ҳар қадамда қалтак еб,
Юрмакликдан не фойда,
Яхшиси ҳамма жойда

Содда муғомбир бўлиб,
«Хўп»—«хўп» деб, кулиб-кулиб,
Мажлисида жавраб-жавраб,
Бошлиқни алдаб-авраб,

Кириб олиб ичига
Ичидан секин бузинг.
Аста-аста кўпларни
Оғдириб, гуруҳ тузинг.

Гуруҳи йўқ кишининг
Иши сира юрмайди.
Катталар ҳам уларни
Пашшачалик кўрмайди.

Гуруҳ бўлса, ҳеч кимса
Сизга қарши бормайди.
Дуч келган ҳар бир дайди
Бошингизни ёрмайди.

Гуруҳбоздан катталар
Қўрқишади ўлгудай.
Чунки улар каттани
Таламоққа доим шай.

Шу сабабли уларга
Теголмас ҳеч бир кимса.
Боши қолур балога
Кимки сал-пал тегинса...

Сиз ҳам шундай қилсангиз
Беш бўлади ишингиз.
Кўпаяди сизни ҳам
Суягувчи кишингиз.

Яна жаҳлингиз чиқиб
«Тирранча!» деб койиманг.
«Ким ўргатди бунга?», деб
Айтиб юрманг ойимга.

Нима қилай, ўзимча
Кўп қийналманг, дейман-да...
Ука бўлгандан кейин
Ғамингизни ейман-да.

1990 й.

VI. ЭРТАКЛАР — ЭЗГУЛИККА ЕТАКЛАР

ЧАМАН

(баллада)

Дўстлар, бу воқеани
Эшитгандим илгари.
Ҳар сафар эслаганда
Титрардим барг сингари.

Жасур аёл қисмати
Кўз олдимдан кетмасди.
Ёзай, десам, ёзарга
Бардошим ҳеч етмасди.

Ёзолмасдим дилдаги
Армонимни — ўчимни.
Фурсати — бугун экан,
Утаяпман бурчимни...

* * *

Бир тўп отлиқ ҳовлига
Кириб келди туш чоғи.
Қўрқувдан титраб кетди
Мезбоннинг ҳамма ёғи.
«Парвардигор! — деди у, —
Қандай зулму азоб бу!
Тинглаб тавба, оҳимни,
Кечиргин гуноҳимни!»
Чорпоядан тушди-да,
Қотди гўё гунгу кар.
— Нега хода ютгандай
Қаққаясан, баччағар!
Хириллаган бу кимса
Қиморбоз — Мирза шайтон.
Наслу зоти бетайин,
Уғри-каззоб, беимон.
У босқинчи қонхўрлар

Тилмочи — ялоқхўри.
Ким ҳушига ёқмаса,
Дарров қурийди шўри.

Биргина Бўрибойга...
Ичида эди дами.
Бой ҳам худди ўзидек
Оқпошшонинг одами.
Унинг хонадонида
Базм қиларди ҳар сафар,
Петрбургу Московдан
Келган ўрис тўралар.
Аранг тишлаб тилини
Юрарди Мирза шайтон.
Мана, армон ушалиб,
Етиб келди кутган он.
Бўрининг қайнотаси —
Миясиз, ялангоёқ
Кўтарибди пошшонинг
Одамларига таёқ...
Пилдираб бориб отнинг
Жиловин тутди мезбон.
— Шошиб қопман, кечиринг,
Хуш кўрдик, Мирза полвон.
Сарпойчан бойдан ҳурккан
От тисланиб пишқирди.
Узангига тираниб
Мирза шайтон ўшқирди:
— Биз уйдан, жондан кечиб
Қўриқласак ерингни,
Сен қисталоқ!..
Тириклайин
Шилволаман терингни!

Аскарларга илжайди
Ранги-қути ўчган бой:
— Марҳамат, пажалиста,
Вино гатоп, гатоп чой.
— Тулкиликни йиғиштир!
Қайнотанг ким томонда?
— Биласиз-ку, Мирзабек,
У бир ғариб деҳқон-да.
— Ғариб эмиш...
Ғарибинг
Ҳаммаёқни булғади!

Бўрибой вужудини
Энди ваҳм чулғади.
— Улимдан хабарим бор,
Худо шоҳид сўзимга.
— Улишни кўрсатаман
Сен даюснинг кўзингга!

Шу чоқ қонга беланган
Раҳматилла отани
Судраб олиб келдилар.
— Нима дейсан?
Хўш, қани?!
Деразадан барисин
Кузатиб турган Чаман,
— Отажон!— деб ҳовлида
Пайдо бўлди шу замон.
Сапчиб кетган бой унга
Дўқ урди:
Ҳой, уйга кир!
— Падажди, шашма,— деди
Жим ўтирган офицер.
Секин тушиб отидан
Аёл ёнига борди.
— Тўрам, кечиринг, отам...—
Жувон йиғлаб ёлворди.

— Якши, якши...—
Офицер
Заҳарханда тиржайди.
— Папашангни купкари
Килсак майлими, майли?
Имога маҳтал Мирза
Бўкирди:
— Вася! Қўса!
Бу иблислар каллани —
Оларди, салла, деса!
Маҳлуқлар отахоннинг
Келди-ю, яқинига,
Икки қўлидан «туюб»
Босди от тақимига.
Додлаб юборди ота,
Отлар чидолмай ҳатто
Икки ёнга ташланди —
Сўнг...
кўпкари бошланди.

Кўса «Ҳайт!» деб «улоқ»нинг
Бир қўлин олди узиб,
Эсдан оққан жувоннинг
Сочлари кетди тўзиб...
Оёғидан тутдилар
«Чавандоз»лар «улоқ»ни.
Вася суғуриб олди
«Ну ка!» деб бир оёқни.
— Отажоним, отажон!—
Додлаб юборди жувон.—
Бу кунимдан ўлганим
Яхши эди, отажон!
— Кофирлар!— томоғига
Алланима тиқилди.
Шўрлик аёл
— Ота!— деб
Ерга беҳуш йиқилди.

* * *

Базми жамшид қизийди
Бўрибой қўрғонида.
Қон йиғлайди Чаманой
Қора ўчоқ ёнида.
Осмон йироқ,
Ер қаттиқ,
Оҳи кўкка етмайди.
Отажони фарёди
Қулоридан кетмайди.
Англолмайди —
кўргани

Унгими
Ё тушими?
Отажонин эсласа,
Йўқотади ҳушини.
Чаман кўзин очганда
Ётар эди тўшакда.
Бақирарди аллаким
Ҳанграётган эшакдай.
Тикилиброқ қаради,
Бўкирган — Мирза шайтон.
— Эй, худо, жонимни ол,—
Ожиз ингради жувон.—
Отам, жон — жаҳонимни
Хазон қилган шумасми?
Ахир, ким жазолайди

Бундай ёвуз, нокасни!
— Гингшийверма, жонидан,
Барига бой айбдор.
Сен чўчима, бундан сўнг
Қаватингда ўзим бор.
Мирза шайтон ишшайиб
Яктагини тузатди.
Аёлнинг биқинига
Оҳиста қўл узатди.
Уйқусида қўйнига
Киргандай совуқ илон,
Бор кучини йиғди-ю,
Бурчакка қочди жувон.
— Майли, ҳозир пайтимас,
Лекин қимирла илдам.
Офицер ош емоқчи
Фақат сенинг қўлингдан.

* * *

Ошхонадан чиқмайди
Шундан буён бечора.
Уёқда бой хушомад
Қилиш билан овора.
Гоҳ кулар, гоҳ сўкинар
Масту аласт аскарлар.
Қийқириқлар Чаманга
Санчилади наштардай.
Ловуллаган ўчоққа
Отмоқчи бўлар ўзин.
— Бу азобни кўргунча
Оқиб тушсайди кўзим.
Ота, ота, отажон!—
Қонсиз лаблар пичирлар.
— Онажон!
Энди сизни
Адо қилур бу хабар!
Укажонлар!
Оҳ, энди
Яшашга йўқдир ҳаққим...
Бир маҳал Мирза шайтон
Ўкирар:
— Манжалақи!
Шунча қийин бўлдим
Битта ошнинг пишиши!

Мушт зарбидан жувоннинг
Зирқираб кетди тиши.
Қутурган шайтон уни
Тепкилади ётқизиб.
— Тез бўлмасанг, бошингни
Ўзим оламан узиб!
Ҳолдан тойган Чаманой
Қоп-қора қон тупурди.
Қўлларига таяниб
Жойидан аранг турди.
Ажаб! Ғойиб бўлганди
Унинг нафрат, ғазаби.
Кўнгли ҳувиллар гўё
Таланган кулба каби.
Атрофда нимаки бор —
Кўринади бемаъно.
Илкис жони чиқса ҳам
Ўкинмас эди.
Аммо —
Бир ҳайқиреқ қулоққа
Теккандай бўлди шу дам:
«— Тўхта, нега титрайсан
Кўзларингни оч, болам!
Мен онгда қолдим, нега —
Сен шошасан ўлимга?
Уч олмасанг, мен сира
Тинч ётмайман гўримда!»
— Отажон!— у атрофга
Кўз ташлади жовдираб.
Келолмайин ўзига,
Бир зум қолди довдираб.
Қалбин ўртаб юборди
Беадад оғриқ, азоб.
Ташқарида кимлардир
Бўкирар:
— Водка!
Шараб!
Кимдир бўғиқ хирқирар:
— Бабай, бабай, наша дай.
Чаманойнинг бадани
Жимирлаб кетди шу пайт.
Кўзлари ҳам чарақлаб
Очилиб кетди ногоҳ.
Бу гап уни ғафлатдан
Қилгандай бўлди огоҳ.

«Наша, наша... ҳа-а, энди
Кўрсатаман кунингни.
Мана энди ҳаммангнинг
Учираман унингни».
Бир режа шуурида
Чақмоқдай чарақлади.
Қасос, алам туйғуси
Қиличдай ярақлади...

* * *

Чаман эшикни очиб,
Юролмай қолди бир паст.
Бадбўй, қўланса ҳиддан
Қайтгудай эди нафас.
Бой тўрда ўтирарди,
Ечиб яктас, саллани.
Зобитлар айтар эди,
Урисча бир яллани.
Чаманой дастурхонга
Май тўла хумни қўйиб,
Деди:
— Қани, меҳмонлар,
Ичинглар тўйиб.
Етмай қолса, айтинглар,
Ертўлада таги мўл.
Авжга чиқди қийқириқ:
— Якши!
— Во-во!
— Аман бул!
Ширакайф Мирза шайтон
Яна унга тикилди.
Бўрибой бир пишқириб,
Бир қалқди-ю, йиқилди.
Чаманой гўё қайта
Туғилганди онадан.
У Шайтонга бир кулиб,
Чиқиб кетди хонадан.
Ертўланинг эшигин
Очиб қўйди Шайтонга.
— Мен паловга уннай, сиз
Қараб туринг меҳмонга.
Салдан кейин пайт топиб
Сойга шамолдай елди.

Сой бўйдан ёввойи
Кўкнори юлиб келди.
Уни солди қозонга,
Гуриллади аланга.
Кўкнорининг ҳунари
Аён эди жувонга.
Босқинчилар, қонхўрлар,
Шаробга тўйгач чунон,
Хитойи лаганларга
Паловни сузди жувон.
Буғи буруқсиб турган
Майиз, нўхат, зирали,—
Паловга чанг солдилар
Уйдагиларнинг бари.
Кўп ўтмайин ошхўрлар
Мудраб, эснаб, энгашиб,
Хуррак ота бошлашди
Бир-бирига мингашиб.
Ана шунда Чаманой
Эшикни шартта очди.
Қўлидаги ойболта
Совуқ шуълалар сочди.
Ичкарига бостириб
Кириб борди бургутдай.
Хириллашар бўғзига
Суяк қадалган итдай.
Қопдай шишиб ётибди
Отажонин қотили.
Эшитган ҳазар қилар
Бу иблислар отини.
Шу қонхўрлар дастидан
Ҳамма уйда қайғу, ғам.
Бундай жабр-зулмга
Дош беролмас тошлар ҳам.

«Уйингга ўт тушкурлар!
Битди бугун паймонанг!
Гуноҳ бўлса, кечир-у,
Ўзинг мадад бер, онам!»
Ойболтани кўтариб,
Чирт юмди кўзларини.
Тирқираб урилган қон
Куйдирди юзларини.
Бир зум карахт, тош қотди

Бу тушими, ҳушими?
Англаёлмай қолди у
Қилаётган ишини.
Кўз олдида питирлар
Босқинчининг танаси.
...Кўз олдида қишлоғи —
Лойтом.
Тандир.
Онаси...
Онажони бағрига
Энди қушдай учади.
Тўйиб-тўйиб ўпади,
Тўйиб-тўйиб қучади.
Қучади?
Қандай?
Қўли...
Қонни артди этакка.
Ҳайҳот!
Кейинги ишлар
Йўқдир ҳатто эртақда!..
Хўрланган дил қаърида
Ҳадсиз ғазаб қўзғалди.
Болтани даст кўтариб,
Зобит бошига солди!
Ё алҳазар!
Ким берди
Унга бу куч, бардошни!
Чопиб, узиб ташлади
Яна бир неча бошни.
Даҳшат экан агарда
Ёнса аёл ғазаби.
Бир зумда неча каззоб
Жон берди чумчуқ каби.
Оёқ-қўлу юзу кўз,
Қўйлак қонга беланган,—
Ҳовлига чопди Чаман
Гўё тирик аланга.
Дарахтлару деворлар
Ботгандай эди қонга.
Даҳшат ила чинқириб,
Чопди кўча томонга,
Бир тўп зобит олдидан
Чиқиб қолди ногаҳон.
Болтани даст кўтариб,
Шердай ташланди Чаман.

Ураверди бирининг
Елкасига, бошига.
Аmmo, ожиз эди у
Ваҳший тўда қошида.
Зобитлар ёш жувоннинг
Боғлашиб қўл-оёғин,
Кўзларига суқишди
Ёниб турган таёқни.
Чаман сира ялинмас,
Чидар қийноқ, азобга.
У жасур Тўмарисга
Ўшар эди шу топда...

* * *

Шу кун Чаманнинг номи
Кўчди юлдуз, ойларга.
Мусаффо булоқларга,
Шарқираган сойларга.
Шуъла бўлиб кирди у
Мудраб ётган дилларга.
Лола бўлиб очилди
Дараларда, қирларда.
Унинг номи қуёшнинг
Нурларига бойланди.
Унинг номи озодлик
Тимсолига айланди...
Шу-шу Чаманнинг номи
Чаманларда яшайди.
Чаман-чаман очилган
Замонларда яшайди.

Ё С У М А Н

Эртак-достон

...Ярим тунда аллаким
Юргандай эди томда.
Юрагим дук-дук уриб,
Ёпишволдим отамга.
Бир пайт ўша —«аллаким»
Сирғалиб тушди пастга,
Тимирскилаб ойнани
Очмоқчи бўлди аста.

Бадбашара бир маҳлуқ!..
Даҳшатдан кетдим чўчиб.
— Кимсиз?!— деб жон ҳолатда
Отамни олдим қучиб.

— Нима қилди, нима гап?
— Қаранг...— дедим мен секин.
Ё тавба! Деразада
Ҳеч ким йўқ эди лекин.
— Босриқибсан, ёт, ухла.
Мен ҳечам ухлолмадим.
— Ота, ажина борми?—
Дедим бир пас ётгач жим.
— Ажина-пажина йўқ,
Бари тўқима, бекор.
Кўзларингга кўринган
Есумандир, эҳтимол...
Есуман ким?
— Ҳа, уми...
Қарғиш урган бир дайди.
Кўзларингни юм энди,
Ухламасак бўлмайди.

— Ўз кўзим билан кўрдим,
Жин-пин бўлса керакки...
Шундан сўнг айтиб берди
Отам ушбу эртакни.

I

Сершовқин шаҳарлардан,
Ур-сурлардан узоқда,
Атроф қир-қизғалдоқзор,
Оvloққина қишлоқда
Бир аёл яшар эди
Алпқомат ёри билан.
Бири-биридан ширин
Икки шунқори билан.
Қоса-қошиқ, уй-жойдан
Заррача ғам емасди.
Турмуши ҳам, ўзи ҳам
Ҳеч кимдан кам эмасди.
Қисқаси, эл қатори
Яшар эди тинч-омон.
Лекин... Лекин ичида

Вишилларди бир илон.
Биронтани ўзидан
Шодон-шодумон кўрса,
Бирон уйда янги шол,
Янги дастурхон кўрса,
Қуюқ тутун кўринса
Қайси тандир-ўчоқда,—
Илон чақар,
Илондай
Тўлғонарди қийноқда.
Титраб, қақшаб фалакка
Қиларди сўнг илтижо:
— Қандай қасдинг бор эди
Мен бандангда, эй худо!
Бундан кўра паймонам
Тўлдирганинг саз эди.
Ҳаммадан кам қилгунча
Ўлдирганинг саз эди...
Ичидагин сиртига
Чиқармасди лекин у.
Қим нолинса
«Тавба, денг»—
Деяр эди секин у.

* * *

Дув-дув хабар тарқалди
Баҳор чоғи қишлоқда.
«Келаётган эмишлар
Маликамиз шу ёққа!»
От қўйдилар кўчага
Еш-қари — бор тирик жон.
Қир бошида қирқ малак
Пайдо бўлди бир замон.
Малика оқ булутдай
Отда қалқиб келарди.
Қирқта қиз — қирқта юлдуз,
У — ой, балқиб келарди.
Кўрмаганди ҳеч бири
Бундай ҳурилиқони.
Танглайига ёпишди
Барчанинг тил-забони.
Утиб кетгач, таърифи
Неча кун дoston бўлди.
Аёлнинг юрак-бағри

Вайрон бўлди, қон бўлди.
Юзларини тимдалаб
Фарёд солди, солди дод:
— Худо, худо эмассан!
Худо, жаллодсан, жаллод!
Шу тасқара, танноздан
Нимама ёмон, нимама кам?
Ахир, у ҳам ожизанг,
Ахир, мен ҳам бандангман.
Бир ўзига қирқ шотир...
Шуми инсоф-адолат?
Сендек тангри-толога
Лаънат бўлсин, минг лаънат!

— Тилагингга етгайсан,
Эй, бандаи ожиза!—
Садо келди ғойибдан
Содир бўлди мўъжиза.
Қора чиммат аёлнинг
Қўлида бўлди пайдо
У қақшади:
— Бу нима?
Кафанми бу рўдапо?!
— Бунни кимки ёпинса
Айланади парига.
— Йўғ-е!— У ишонмайин
Садонинг сўзларига,—
Чиммат билан шошилиб,
Ёпиб олди юзини.
Қотиб қолди кўзгуда
Таниёлмай ўзини.
Сочари толим-толим,
Юзлар мисли нур эди.
Оғзида ҳам тиш эмас,
Ўттиз икки дур эди.
Оҳу кўзлар...
Эй пари!—
Садо келди узоқдан.—
Энди шу сўзларимни
Қуйиб олгин қулоққа.
Ичингдаги илонни
Мажақламасанг дарҳол,
Жуда оғир кулфатга
Бир кун бўлгайсан дучор.
«Қулоқ солма!», деб ногоҳ

Чинқириб қолди илон.
— Бору йўғи бир марта
Берилади бу имкон.
Садо:
— Ҳа, бир марта, шу боис,
Сақла инсоф-имонни.
Илон:
— Хор бўласан, йўқотсанг
Шундай қулай имконни!
Садо:
— Мен айтдим шартларимни,
Йўқдир бошқа тилагим.
Илон:
— Пишириб е шартингни!
Даъф бўл! Йўқдир керагинг!
Ваҳший илон вишиллаб,
Тушиб кетди аврашга:
— Инсофмиш-а, инсофдан
Нима топдинг бу даштда?
Пари «хўп-хўп» дердию,
Қулоғи том битганди
Севинчи, ҳаяжони
Селдай тошиб кетганди.
«Қандай саз! Мендек пари
Йўқдир еру осмонда».
Парининг худбинлиги
Еқиб кетди илонга.
— Шунча ҳусну малоҳат,
Эсиз... Қурисин шўри!
Бир танноз маликаю,
Малика бунда чўри!
Пари ирғишлаб кетди,
Босволгандай тиконни.
— Кунингни кўрсатаман,
Сендай жиблажибоннинг!
— Таъзим қилиши керак
Сени кўрганлар доим.
Асли тилло саройлар,
Қасрлар сенинг жойинг.
Шундай бахтга элтгувчи
Ягона куч — ўзимман.
Фақат чиқмасанг бўлди
Чизиғимдан, сўзимдан.
Парини чирмаб олди
Яна илон — арзанда.

Кўзларига кўринмай
Хатто икки фарзанди,—
Розиман!— деб юборди.—
Айтганингни қиламан.
Йиғла, десанг — йиғлайман,
Кулгин, десанг — куламан.

II

Арк.

Тош майдон.

Бир ёқда

Баҳайбат азим чинор.

Бир ёқда оқ лайлақлар

Уя қурган қўш минор.

Қилт этмайди япроқлар,

Эрталабдан ҳаво дим.

Шилдирамас ирмоқлар,

Гир-теварақ сокин, жим.

Дўнг, катта дарвозада

Кўриндию сарбозлар,

Садо берди атрофда

Дупур-дупур овозлар.

Ўртада, оқ тулпорда

Келаётган — улуғ Шоҳ.

Улар азим чинорга

Етай деганда, ногоҳ —

Ун тўрт кунлик ой каби

Порлаб оппоқ юзлари,

Дарахтнинг панасидан

Чиқиб келди бир Пари.

Шоҳ уни бир кўрдию,

Гир-гир айланди боши.

Ё раб! Қим олиб тушди

Фалакдан бу қуёшни?!
Ишонолмай қолди у,

Ўнгими бу, тушими.

Икки кўзи қамашиб,

Иўқотди эс-ҳушини.

Тўс-тўполон бошланди,

— Не гап?

— Шоҳим...

— Ёрдам.

— Дод!

Шовқин-суронда аста

Ғойиб бўлди Паризод.

Қирқ кунгача улуг Шоҳ
 Билмай ётди ўзини.
 Даҳшатли туш. Инс-жинлар
 Очирмади кўзини.
 Уни келиб кўрдилар,
 Дўст, биродар, ҳабиблар.
 Етти иқлим тан берган
 Заковатли табиблар.
 Афсус, зарра фойда йўқ,
 Мушкуллашар аҳволи.
 Кўкка қилар илтижо,
 Жами улус-аҳоли.
 «Эй, тангрим! Қодир худо!
 Қулоқ тут оҳимизга.
 Бизни сағир қолдирма,
 Шифо бер Шоҳимизга».
 Етдимикин фалакка
 Илтижолар, нолалар,
 Қирқинчи кун ҳар ёққа
 Қанот қоқди хушхабар.
 «Зўр табиба чиқибди,
 Ақлда нодир эмиш.
 Мурдага ҳам жон ато
 Этишга қодир эмиш...»
 Чопарлар шу кунийёқ
 Табибани топдилар.
 Энтикишиб севинчдан
 Сарой томон чопдилар.
 Бемор нотинч, алаҳлар,
 Сув сўрайди бетиним.
 Табиба яқин келиб,
 Чимматининг бир четин,—
 Секин очди.
 Во ажаб!
 Хона ярақлаб кетди.
 Шоҳаншоҳнинг кўзлари
 Бирдан чарақлаб кетди.
 Ҳеч вақо бўлмагандай
 Туриб кетди Шоҳаншоҳ.
 Майингина жилмайиб,
 Юриб кетди Шоҳаншоҳ.
 Бошланди тўй-томоша
 Ҳар уйда, ҳар кўнгилда.

Ҳар бир шаҳар,
 Ҳар қишлоқ,
 Ҳар гулда, ҳар сунбулда.
 Қувонч, кулгу ўйнади
 Ешу қари лабида.
 Фақат муғомбирона
 Илжаярди табиба.
 — Эй, оқила, умрингиз
 Узун бўлгай илойим.
 Сизни яратган эгам
 Ярлақагай ҳар доим.
 Бизни халос этдингиз
 Азроилдан, дажжолдан.
 Қарздормиз то абад
 Сиздек зукко аёлдан.
 Арзимас туҳфамизни
 Гарчанд кичик бўлса ҳам,
 Миннатдорлик рамзи, деб,
 Қабул қилинг, табибам.
 Шуларни айтиб Вазир
 Имо қилди посбонга.
 Бўй баробар олтин, зар
 Бино бўлди хирмондай.
 — Раҳмат, ташаккур, аммо...
 Булар, булар...
 Шарт эмас.
 Менинг учун Шоҳимиз
 Омон-соғ бўлсалар, бас.
 Хўп, десалар умрбод
 (Шоҳ юраги гупурди).
 Саройда қўлим касов,
 Сочим бўлгай супурги...
 Ҳамма қойил, ҳар ёқдан
 Ёғилар ҳамду сано.
 — Минг тасанно!
 — Офарин!
 — Кам бўлманг икки дунё!
 Саройда Вазирга тенг
 Йўқ эди ҳотамликда.
 — Бундайин зот,— деди у,—
 Лойиқ бош ҳақимликка!
 — Табибликни билмай...
 — Бас!—
 Уни жеркиди Илон.—
 Мен доим ёнингдаман,

Бу ёғи оппа-осон.
Ҳозир бўлса Вазирга
Раҳмат дегин минг карра.
Осонгина, жўнгина
Эгалланди илк марра.

IV

Укаларим, дунёда,
Тўғрилиқ катта бахтдир.
У энг улуғ, энг буюк,
Энг қудратли дарахтдир.
Бу дарахтга ҳеч қачон
Чанг, гард, ғубор инмайди.
Новдалари бўронда
Эгилса ҳам синмайди.
Чунки унинг шохлари,
Илдизлари темирдан.
Лекин бир қурт,
Чиркин қурт
Кемиргани кемирган.
Изғиринда, довулда,
Оловли саратонда,
Чурик тишлар емрилиб,
Тўлса ҳам оғзи қонга,
Жонида бордек қасди
Қўймайди кемиришни.
Занглаган жой топсами...
Кўрасиз емиришни!
Қуритиш мушкул экан
Унинг уруғ, зотини,
Айёрлик дейишади
Бу махлуқнинг отини.
Улгудай қўрқади у
Тўғрилиқнинг кучидан
Шу боис онг қолдириб,
Кирсам дейди ичига.
Кирса — тамом!
Шу жойга
Қаҳат, офат тегади.
У баланд дарахтни ҳам
Худди чўпдай эгади.

• • • • •
Пари табиба бўлиб
Кириб олди саройга.

Юртнинг зўр табибларин
Йиғиб олди бир жойга.
— Энг аввало ҳаммангиз
Епинасиз чимматни.
Шифоталаб кишидан
Аямайсиз ҳимматни.
Фақат менинг номимдан
Даволайсиз.
Бирон зот
Сезиб қолса, барингиз
Йўқотаман шу заҳот.
Бир қоп олтин келтирди
Шу сўзларни айтиб у.
— Чизиғимдан чиқмаган
Билмас сира ғам-қайғу.

...Табиблар беморлардан
Аяшмас ҳатто жонни.
Етди етти иқлимга
Табибнинг шуҳрат-шони.
Уни мақтаб тўқилди
Қўшиқлару дostonлар.
Таъзим, тавоф қилдилар
Уни кўрган инсонлар.
Шоҳ эса бир дақиқа
Кўрмаса туролмасди.
Унинг йўл-йўриғисиз
Бир қадам юролмасди.
— Шоҳим,— деди бир кун у,
Кўзларини ўйнатиб.—
Бир гап мени анчадан
Келаётир ўйлатиб.
Яна рашк деб ўйламанг,
Ундай касал менга ёт.
Лекин, лекин...
— Қандай гап?
Айт, тортинма, Паризод!
— Ростини, Сизни кўп зотлар,
Қилар экан масҳара.
Ахир, нега Малика
Бунча хунук, тасқара.
Муносибмас сира у,
Сиздай улуғ Хоқонга.
Шоҳим, бадарға қилинг
Чеккароқ бир маконга.

— Йўғ-е!— Шоҳ чўчиб кетди.—

У... Ахир... Болалар бор:

Қўй-қўй, тангри олдида

Қилма мени гуноҳкор.

Қолаверса элчилик,

Одамлар нима дейди?

Болалар...

болаларим,

У ёқда... нима ейди?

Соддасиз, Шоҳим, десам.

Ранжиманг бу даъвомдан.

Қачон қулоқ солипти

Шоҳ тўпори авомга.

Пошшо деган мазлумга

Турса яхши дўқ уриб.

Қим гапирса, тилини

Олиш керак суғуриб.

Арзандаларингиз ҳам

Очликдан ўлиб қолмас.

Ёқмадимми?..

Унда мен...

Мен кетаман,

етар,

бас!

— Тўхта! Шошма, ҳовлиқма,

Ўйлаб кўрайлик, ахир.

О! Ҳозир Шоҳаншоҳга

Оғир эди, кўп оғир.

V

Сездимикин ёки йўқ

Тушганини тузоққа.

Лекин Шоҳ Маликани

Сургун қилди узоққа.

Маликасин саройин

Парисига топширди.

Бу ҳол кўп кишиларнинг

Ғазабини тоширди.

Турли дув-дув, миш-мишлар

Тарқалди ҳар томонда.

Қизғин бошланиб кетди

Улуғ Шоҳни ёмонлаш.

Биров деди,

«Кўзикиб,

Айнаб қопти Шоҳимиз».
Биров деди: «Художон,
Тезроқ етиб оҳимиз,—
Шоҳнинг имонини бер,
Ғайир кўздан халос эт.
Қарғиш, ғазаб, нафратдан,
Ёмон сўздан халос эт».
Худойимга етмади
Бу сўзларнинг ҳеч бири.
Охири Шоҳ олдига
Борди доно Вазири.
— Шоҳим,— деди у.— Кечинг
Ярим қошиқ қонимни.
Сизга отилган ҳар тош
Эзар менинг жонимни.
Бўхтон гаплар эшитиб,
Қулоғим қар бўлсин-о!
Ғийбатга зор ғанимлар
Умрбод хор бўлсин-о!
Шаккоклик бўлса ҳамки,
Хавфдан этай деб огоҳ...
Мурувват қил, эй, тангрим,
Барига ўзинг гувоҳ.
Шоҳни қора тер босди,
Олиб қочди кўзини.
Қаерга қўярини
Билмай қолди ўзини...
Пари аста кузатиб
Турган эди панада.
Вазир кетган ҳамоно
Учиб кирди хонага.
— Фитна! Фитна! Суиқасд!
Ҳозир эшитдим, ҳозир!
Шоҳим, унинг бошида
Турган экан шум Вазир!
У ношукур тож-тахтга
Олайтириб кўзини....
— Бас!— ҳайқирди Шоҳаншоҳ.—
Ўйлаб гапир сўзингни!
Мен тугул отамга ҳам
Хизмат қилган Вазир бу!
Агар билсанг... салтанат,
Саройдаги Хизир бу!
Шундай мўътабар зотни...
— Шоҳим! Кесинг тилимни!

Чин гапирган нодондан
 Дариг тутманг ўлимни.
 Пари фарёд урганча
 Узин ерга ташлади.
 Шоҳнинг боши айланиб,
 Қалт-қалт титрай бошлади.
 — Шоҳим,— йиғларди Пари.—
 Биладан, Сизга оғир.
 Тишлолмадим тилимни,
 Нетайки, мен, тошбағир.
 Сизни деб воз кечганман,
 Уйим, бола-чақамдан.
 Воз кечаман жондан ҳам,
 Тангрим! Ўзинг ҳакамсан.
 Шоҳ оёғи остида
 Қирқ кокили ёйилган,
 Ойдай чинни юзлари
 Кўз ёш ила чайилган
 Парига қарадию,
 Юрак-бағри эзилди.
 Қўллари беихтиёр
 Унга қараб чўзилди.
 — Кечир, телбалик қилдим,
 Мен учун Ҳумо қушсан.
 Агар яна ранжитсам,
 Кўзларим оқиб тушсин!
 Шоҳ Парини авайлаб,
 Эркалади, овутди.
 Пари хурсанд: бу гўлни
 «Шум» Вазирдан совутди.
 — Ҳамма увол-савоби
 Шоҳим, менинг бўйнимда.
 Лекин ҳеч ким илонни
 Асрамайди қўйнида.
 — Вазирни-я...
 — Ҳа, Шоҳим.
 Йўқотиш керак тезроқ.
 Йўқса, ҳамма йўлларга
 Қўйиб ташлайди тузоқ.
 Миш-мишлар тарқатган ҳам
 Шунинг ўзи аслида.
 Пасткашлик бор экан-да
 Лаънатининг наслида.
 — Лекин, Пари...
 — Бу ёғин

Менга ишонсангиз, бас.
Биттаси бор, «ол», десам,
Чиқармайди садо-сас.
Шоҳ жонсиздай бемажол,
Чўкиб қолди тахтига.
Ният дарров ушалди
Паризоднинг бахтига.
Буюрди Шоҳ номидан
Чақириб зиндонбонни,
— Илонхонага ташланг,
Вазир деган шайтонни!
Шоҳ титради, ингради,
Тишлади қўлларини.
Аламига чидолмай
Тишлади тилларини.
— Қойил! Қойил! Офарин
Икки дунё бўлманг кам!
Энди чинакам ишга
Киришамиз, Маликам —
Ваҳший илон вишиллаб
Заҳрини сочаверди.
Имони бут кишилар
Саройдан қочаверди.
Гап тарқалди: олчоқлар
Саройга қурган уя.
Лашкарбоши — қароқчи,
Хазинабон — шумғия.
Сутдек ҳалол, пок қози
Еб тўймас, деб сўйилди.
Уйқучи деб посбоннинг
Икки кўзи ўйилди...

VI

Мусалласу шаробга
Роса тўйди Шаҳаншоҳ.
Салтанатни ҳолига
Ташлаб қўйди Шаҳаншоҳ.
Оқсоқоллар ахийри
Йўл олишди саройга.
— Эй, Шоҳим,— деди бири,—
Нотинчлик ҳамма жойда.
Путур кетди рўзгордан,
Дастурхондан барака.
— Ним-ма! Рўзгор?! Ве-ҳе-ҳе!—

Шоҳ қилганча калака,—
Қотиб-қотиб кулди-да,
Қўл узатди шаробга:
— Сенларга тахт керакми?
Хўш, ким тожга талабгор?!
Сенми?

Кўппак!

Галамусл

Тур, йўқол! Тер тошингни!
Йўқса, ҳозир сапчадай
Опташлайман бошингни!—
Шоҳ мастона ҳайқирди,
Қўлда ўткир шамшири.
Бир тўп жаллодни бошлаб,
Хонага кирди Пари.
У барча гап-сўзлардан
Яхши хабардор эди.
Шундай бир тўқнашувга
Интиқ эди, зор эди.
Жаллодбошини авраб
Олган эди сстиб у.
Фурсат пойлаб эшикда
Турган эди қотиб у.
— Нон кўр қилгур, ҳайвонлар!
Шуми Шоҳга садоқат?
Кунинг битди ҳаммангни
Мен азроил, қиёмат!
Жаллод! Бу ҳаромилар
Тўйишибди жонидан.
Ҳаммасининг бошини
Жудо қилинг танидан!
Қонга бўялди сарой,
Қонга бўялди тож-тахт.
Қўзлари олайган Шоҳ
Қотиб қолди, гунг, карахт.

VII

Ярим тун.
Деразадан
Тушиб келди бир киши.
Узилиб қолди Шоҳнинг
Қўрқинчли, оғир туши.
Тунги «меҳмон» энг аввал
Зичлаб ёпди эшикни.

Синчиклаб қараб чиқди
Ҳар тирқиш, ҳар тешикни.
Учирди шундан кейин
Хонанинг чироғини.
Латта тиқиб, боғлади
Шоҳнинг қўл-оёғини.
— Шоҳим,— деди секин у.
Утирволгач жойлашиб,—
Бу ерга келганим йўқ
Шунчаки, баҳс бойлашиб.
Қўрс-қўполлигим учун
Мени афу этгайсиз.
Бошқа чора йўқ эди,
Ҳозир англаб етгайсиз.
Кўзлар қиндан чиққудай,
Банди дир-дир титрайди.
Билолмас ким бу кимса,
Қароқчими, ё дайди?
«Меҳмон» унинг гумонин
Сезган каби:— Шоҳим,— дер,—
Асли битта, бир хилдир
Сиз билан бизнинг тақдир.
Иккимиз бир тузоқнинг
Қурбонимиз, қулимиз.
Ҳозирча сал узунроқ
Фақат сизнинг қўлингиз.
Жонни гаровга тикиб,
Келмасам қошингизга,
Ҳадемай менинг ҳолим
Тушарди бошингизга.
Шу сўзларни айтиб у,
Бир дақиқа қолди жим.
— Мен ҳам шоҳ эдим, десам
Балки куларсиз, балким...
Хуллас, Гулбоғ юртида
Хоқонлик қилар эдим.
Дўстга ҳам, душманга ҳам
Яхшилик тилар эдим.
Уйдан чиқсам, одамлар
Гул тўшарди йўлимга.
Аямасдим улардан
Неки келса қўлимдан.
Ёш хотиним, уч болам,
Турмушим обод эди.
Жодугарга дуч келгач,

Ҳаммаси барҳам еди.
...Кеч куз эди ўшанда.
Эсимда ҳали-ҳали.
Овдан қайтаётгандим
Қуёш ботар маҳали.
Сойкўприкда бир аёл,
Мен томон бир қайрилди.
Унга кўзим тушдию,
Эс-ҳушимдан айрилдим.
Малика дейми, десам,
Маликадан зиёда.
Пари десам, парини
Кўрмаганман дунёда.
Ой деганда, юзи бор,
Деганлари шу эди.
Кун деганда, кўзи бор,
Деганлари шу эди.
Сўнг не бўлди, билмайман,
Ўзни пастга отдимми?
Ё йиқилиб, чанг йўлда
Кесак бўлиб қотдимми?
Кўзни очсам ул малак
Ўлтирибди қошимда.
Мен эсам маст-аластман
Туйғулар талошидан.
Эртасига биз яна
«Тўқнашдик» сой бўйида.
Уни ҳар кун кўрмасам
Сизмай қолдим уйимга.
Кейин бўлса...
Оҳ! Кейин...
Жудо бўлдим боримдан.
Бола-чақам, рўзгорим,
Садоқатли ёримдан.
...У, юртни тала, деди.
Эслаш ҳатто даҳшатли.
Мен аблаҳ ўз халқимни
Аямай зор қақшатдим.
Ёндирдим ҳовлиларни,
Урдим, тепдим, ўлдирдим.
Ҳаром-ҳариш бойликка
Омборимни тўлдирдим.
У бўлса ваҳшийликнинг
Топди янги йўлини.

Битта қўймай кесдирди
Одамларнинг тилини.
— Гунглар талаб қилмайди,
Тиллари йўқ ғийбатга.
Лекин тешик қулоқдан
Огоҳ бўлинг, албатта.
Энг яхшиси, мумлаймиз
Жамийки қулоқларни.
Ковлаб юрмасин учун
Чопамиз бармоқларни.
Нима зарур авомга
Икки кўз, икки оёқ?
Битта-битта қолдириб,
Берамиз қўлтиқ таёқ.
Ушанда миқ этишмай
Бажаради не десак.
...Унга лаққа тушибман
Мен ландовур, мен эшак!
Бир тонг уйғонсам — у йўқ!
Уй, хазина шип-шийдам.
Ёрилиб кетай деди
Юрагим қўрқув-ўйдан.
Ғазабимга чидолмай,
Ўйиб олдим кўзимни.
Оҳ! Аслида ўлдирсам
Бўлар экан ўзимни.
Кўрган қўлтиқ таёқ-ла
Соларди олд-кетимга.
Болалар ҳам... жирканиб,
Туфладилар бетимга...
Шоҳ ярадор шер каби
Наъра тортди ногаҳон.
Латта оғзидан учиб,
Узилиб кетди арқон.
— Улдираман!— деб унинг
Томоғига чанг солди.
— Шундай қилинг, эй, Шоҳим!—
У хотиржам тин олди.
Оёқ-қўли бўшашиб,
Бедор чўкиб қолди Шоҳ.
У оғир мусибатдан
Бўлгандай эди огоҳ.
Анчагача иккови
Утиришди жим, маъюс.
— Гапинг ростми, агарда,

Агар алдасанг даюси..
— Асли мендан беш баттар
Аҳмоқ экансан, Шоҳим.
Ахир сенда қасдим йўқ,
Йўқ-ку ҳатто гуноҳим.
Лекин уни кўрдиму,
Тошиб кетди ғазабим.
Ич-этимни тирнади
Чеккан дарду азобим.
Менимча, у сенинг ҳам
Қазиб қўйган гўрингни.
Тез кўзингни очмасанг,
Қуритади шўрингни.
— Бас қил!
— Унда синаб кўр!
Мен яшриниб тураман.
Ушанда ҳаммасини
Кўзинг билан кўрасан.

VIII

Ўйлаб-ўйлаб, Парини
Шоҳ ёнига чорлади.
Унинг жоду кўзлари
Маккорона порларди.
— Парим,— деди Шоҳ аста.—
Халқ норози...

Нимага?

— Шоҳим, юрт ўхшаб қолди
Эгаси йўқ кемага.
Йўлидан озди авом,
Қорни тўйди-қутурди.
Тузимизни еди-да,
Тузлиғимга тупурди.
Бугун қул ҳам, гадо ҳам
Хон санайди ўзини.
Шоҳим, дарҳол уларнинг
Ўйиш керак кўзини.
Бўлмаса, салтанатнинг
Кулини совуради.
Сиз билан мени бўлса,
Тириклай қовуради.
— Э, бор, билганингни қил.
Менга шароб бер, шароб!
Пари ирғиб турди-да,

— Жаллод!— деб қилди хитоб.
— Кесинг, чопинг, битаям
Тирик инсон қолмасин!
Бешикдаги гўдак ҳам
Тиғдан омон қолмасин!
Шоҳимиз истаги шу.
Бу буйруқ — олий фармон.
Тоқати-тоқ бўлган Шоҳ
Инграб юборди:
— Зиндон!!

IX

Уша арк, ўша майдон.
Уртада баланд сўри.
Еру кўкни тандирдай
Ёндирар қуёш нури.
Сўрида икки киши:
Бири Пари, бири Шоҳ.
Икковига қадалган
Ғазабли минг-минг нигоҳ.
— Мана, бор ҳақиқатни
Эшитдингиз, халойиқ.
Энди айтинг, қайсимиз
Қандай жазога лойиқ?—
Шоҳ шундай деб, афсус-ла
Тикилди оломонга.
Бир нафас сув қуйгандай
Сукут чўкди майдонга.
Яқин келди сўрига
Бир нуроний қария.
— Лаънат сенга, лақма Шоҳ,
Даф бўл, кўздан нарига!
Сен маккорнинг қилиғинг
Тушди жуда қимматга.—
Чол Парининг бетидан
Юлқиб олди чимматни.
— Сен жодугар — Ёсуман!
Сенга бермаймиз озор.
Жами жонзот, одамзот
Сендан қилади ҳазар.
Зумдан сўнг тош майдонда
Танҳо қолди Ёсуман.
Не жазо бу, билолмай
Ўйга толди Ёсуман.

Оёқлари толиқиб,
Беҳол чўкди сўрига,
Во ажаб! Сўри бирдан
Қочиб кетди нарига.
Секин бориб Ёсуман
Суянди бир деворга.
Девор ҳам қочиб гуппа
Ағнаб тушди гулзорга.
Гуллар бир нафасгина
Индамай, жим ётдилар.
Кейин уни кўтариб,
Кўча томон отдилар.
Уй-эшигу дов-дарахт,
Қочаверди у борса.
Уни кўрган заҳоти
Қочаверди бор нарса.
Тоққа борди — тоғ қочди,
Зир-зир қочди ҳайвонлар.
Паррандаю дарранда,
Ҳатто чаён, илонлар.
Шунда тушди ёдига
Фарзандлари, қишлоғи,
Алп қоматли, ҳалол, пок,
Содда турмуш ўртоғи.
Эҳтимол, кечиришар,
Лекин... Қайси юз билан?!
Укинчини таърифлаб
Бўлмас ҳозир сўз билан.
Аммо ёруғ жаҳонда
Йўқдир бошқа таянчи.
Тирик туриб ўлмоқлик
Қандай даҳшат, аянчли!
Сочин юлиб, юзини
Бўяди қора қонга.
Ўғиллари «жинни» деб
Қочишди ҳар томонга.
Ўткир чағир тош билан
Кўкрагини ёрдию,
Очкўз, ваҳший илонни
Шарт суғуриб отди у.
Кейин беҳол йиқилди,
Бироқ худди шу онда,
Замин уни коптоқдай
Ирғитди кўк томонга.
Осмон Ерга, Ер унга —

Гадо бўлди Ёсуман.
Охир икки ўртада
Адо бўлди Ёсуман.
У дунёда ҳам аммо
Бўлолмади бахтиёр.
Жаҳаннамдан қувдилар
— Тезроқ даф бўл, эй мурдор!
Ҳаром қилма дўзахни,
Сен ётсан бу маконга.
Фарёд уриб қайтди у
Яна ёруғ жаҳонга.
Шундан буён Ёсуман
Сандироқлаб юрармиш.
Дуч келган ҳар кишидан
Бошпана-жой сўрармиш.
Ҳеч ким қиё боқмагач,
Шамолдек ғувиллармиш,
Чидолмай бу хўрликка,
Бўридай увиллармиш,
Бирон лақма, лавангни
Тортсам дея домига,—
Изғир эмиш куну тун
Одамларнинг томида.
У ҳар хил қиёфада
Кўринар кўзимизга.
Дўстлар, ҳушёр бўлайлик
Доимо ўзимизга!

САБОҚ

(Эртак)

Бир тўп чумчуқ яшар эди
Тоққа туташ далада.
Зийраккина қуш бор эди
Шу каттакон галада.

Бу тўданинг орасида
Жуда ёши эди у.
Узи тенги қушчаларга
Жўрабоши эди у.

Тенг келмасди тенгдошлари
Унга баланд учишда,

Ов чоғида шиддат билан
Чигирткалар тутишда.

Шунинг учун «жасур» дерди
Қушлар уни эркалаб.
Меҳр билан мақташарди,
Қанотларин сийпалаб.

Гоҳо ажраб тўдадан у
Ғойиб бўлиб қоларди.
Онасининг юрагига
Ғулғулалар соларди.

Зум ўтмайин елдек пайдо
Бўлар эди яна у.
Журъати йўқ дўстларига
Қилар эди таъна у:

— Қачонгача ўтлоқларда
Овлайсанлар чигиртка.
Чигиртка ҳам нон бўптими
Биздек катта йигитга!

Бирам ширин таом топдим,
Хув анов тоғ томонда.
Уни еган дармондадир,
Емаганлар армонда.

Бу хабардан қувонишиб,
Қушлар унга бериб тан,
Дарҳол қанот қоқишарди
Жасур чумчуқ ортидан.

Улкан-улкан тераклару
Тепаларга уриб тўш,
Дўстларини шотутзорга
Бошлар эди жасур қуш.

Зийрак, топқир бу чумчуққа
Қўплар ҳасад қиларди,
Қўплар унга ҳавас билан
Узоқ умр тиларди.

Кунлар ўтди шу хилда, у
Камол топди билмай ғам,

Қиличқанот, ўткир тумшуқ
Чумчуқ бўлди чинакам.

...Дўстларига қонун эди,
Энди унинг айтгани,
Ҳеч қайси қуш кўрмаганди
Унинг сўздан қайтганин.

Кўп хавфлардан дўстларини
Олиб чиқди бехатар.
Лекин панду насиҳатни
Суймай қўйди у қадар.

Ўз кучига бериб ҳаво,
Ўрганди дўқ, буйруқни.
Назарига илмай қўйди
Унча-мунча чумчуқни.

Ҳатто кекса қушлар сўзин
Сира олмай қулоққа.
Баъзан учиб кетиб қолди
Ёлғиз узоқ-узоққа...

Жасур чумчуқ тўдасидан
Ажраб чиқди бугун ҳам.
Тоғлар томон учиб кетди,
Учиб кетди тез, илдам.

Бир арчада дам оларкан,
Ўз-ўзига деди у:
— Менинг жойим пастда эмас,
Менинг жойим ҳув чўққи.

Етар шунча яшаганим
Бундай пастқам сояда,
Энди ҳаёт кечираман
Кўкка туташ қояда.

Виқор билан жасур чумчуқ
Боқар экан ҳар томон,
Юксакдаги улкан қушга
Кўзи тушди ногаҳон.

Ўркач-ўркач қояларга
Мағрур-мағрур уриб тўш,

Нақ осмоннинг қучоғида
Чарх урарди улкан қуш.

— Қойил,— деди жасур чумчуқ,
Ҳайрат билан лол қолиб.
Сўнгра кўкка кўтарилди
Чала-чулпа дам олиб.

Қандайдир куч чумчуқчани
«Тезроқ уч!» деб қистарди.
Очиғи, у улкан қушни
Қойил қилмоқ истарди.

Шу ўй билан жасур чумчуқ
Ҳеч нимага қарамай,
Қанотларин силтайверди,
Силтайверди пайдар-пай.

Бир ондан сўнг қора тердан
Жиқ ҳўл бўлди вужуд, тан.
У бунчалик баландликка
Чиқмаганди ҳеч қачон.

Бора-бора нафаси ҳам
Томоғига тиқилди,
Бош айланиб, кўзи тиниб
Бир чўққига йиқилди.

Анчагача беҳуш ётди,
Охир келди ўзига
Ва кўзлари тушиб қолди
Сор бургутнинг кўзига.

Сал бўлмаса юракчаси
Кетай деди ёрилиб.—
Ётар эди бир жонивор,
Ўз қонига қорилиб.

Ғазабланган сор бургутнинг
Икки кўзи бўлиб чўғ,
Ўлжасидан бош кўтариб,
Чумчуқчага урди дўқ:

— Эй ожиз жон, қайси шамол
Буёқларга учирди,

Не гуноҳинг сен шўрликни
Ўз тўпингдан кўчирди?

— Мен ожизмас,— деди чумчуқ,—
Дағ-дағ титраб турса ҳам.
— Буёқларга ўзим келдим,
Ҳеч кимдан кам эмасман.

Пастликларда шунча яшаб
Қониқмади юрагим.
Йўқ демасанг сенинг билан
Яшамоқдир тилагим.

Гўё тоғлар қулаб тушиб,
Ёрилгандай кенг осмон,
Даҳшат билан қаҳ-қаҳ урди
Бирданига бургутхон.

— Оббо, сен-эй,— деди кейин
Кулгисидан тўхтаб у.
— Ожиз десам, гап-сўзларинг
Ўзингдан ҳам катта-ку!

Сал-пал жонинг бўлганда ҳам
Мажақлардим ҳозироқ.
Лекин сени афв этдим,
Қани, кел-чи яқинроқ.

Елкамга чиқ, ҳозир сенга
Қўрсатаман фалакни.
Қайтиб тушгач айтажаксан,
Қолиш, кетиш керакми.

Чумчуқ хурсанд, Бургутхоннинг,
Устига чиқиб олди.
Мўлжал олиб кўк осмонни,
Бургут жойдан қўзғалди.

Чумчуқчадек бахтиёр жон
Топилмасди шу онда.
На заминда, на денгизда,
Бутун жумла-жаҳонда.

Афсус, бахтга тўла онлар
Чўзилмади узоққа,

Жасур чумчуқ салдан кейин
Тушиб қолди титроққа.

Оппоқ булут орасига
Кириб кетди Бургутхон.
Бирдан кўздан ғойиб бўлди,
Ер, дала, сув, тоғ, ўрмон.

Юксак учмоқ даҳшатлигин
Билмас эди сира у.
Билганида буни орзу
Қилмас эди сира у.

Энди бундан кетмоқликка
Қолмаганди ҳеч чора,
Қўрққанидан охир кўзин
Юмиб олди бечора...

— Чумчуқ,— деди бир пайт Бургут,—
Қалай само — сайримиз.
Энди кўкда яшамоққа
Борми сал-пал майлингиз?

Чумчуқ аста кўзин очди,
Эски чўққи, эски жой.
Ҳув, пастликда шўх товланиб,
Оқиб ётар тошқин сой.

Бу манзара юрагига
Фулу солди шу замон.
Ернинг бунча гўзаллигин
Сезмаганди ҳеч қачон.

— Кечир,— деди Бургутга сўнг,—
Катта хато қилибман,
Юксакларда яшамоқни
Улуғ бахт деб билибман.

— Нега энди бахт бўлмасин
Кўк бағрида яшамоқ.
Ҳув қор каби бешик-бешик
Булутларга қараб боқ.

Улар худди елкан каби
Сузар осмон қўйнида.

Гоҳи-гоҳи рақсга тушар
Шамолларнинг ўйнида.

Кечалари ёнгинангда
Порлаб турар юлдузлар,
Гўё сени ўз ёнига
Чорлаб турар юлдузлар.

Оқсоч тоғлар сочин тараб
Чиқиб келар сулув ой.
Билсанг, йўқдир ер юзида
Сулувликда бундай жой.

Бироқ, ука, ҳар нарсанинг
Ўз ватани бўлади,
Ҳар нарсанинг бахт-иқболи
Ўз боғида кулади...

Бургутхоннинг бу сўзига,
Чумчуқ бир сўз деёлмай,
Дўстларининг қучоғига
Қанот қоқди шамолдай...

МУНДАРИЖА

Туркистоним яйра, Туроним яйра!	3
Кел, бағримга босай, севгилим!	40
Тангри тоғ садолари	49
Укамнинг маслаҳатлари	57
Эртақлар — эзгуликка етаклар	64

Адабий-бадиий нашр

Абдусанд Кўчимов

ҚИЕФА

Шеър, дoston ва эртақлар

Муҳаррир *А. Уктам*

Рассом *Б. Холмурзаев*

Расмлар муҳаррири *У. Солиҳов*

Техник муҳаррир *Е. Толочко*

Мусаҳҳиҳ *Ш. Соатова*

ИБ № 0613

Босмахонага 2.02.96 да берилди. Босишга 07.05.96 да руҳсат этилди. Бичими 84 × 108^{1/32}. Босмахона қоғози. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма тобоқ 6,3. Шартли кр.отт. 6,72. Нашр босма тобоғи 6,44. Жами 5000 нуска. № 4174 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида. 4 — 96 рақамли шартнома.

«Чўлпон» нашриёти. 7000129 Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.